

## Боқий фикр

Халқлар маданият ва маънавият борасида бир-бирларини қанчалик яхши тушунса, иқтисодий алоқалар ҳам шунчалик тез ривож топади.

Ислом КАРИМОВ



## Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 22-sentabr, shanba № 76 (8517)

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг тақлифига биноан 19-21 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Президентига юксак ҳурмат ифодаси сифатида, Ислом Каримовнинг буюк етакчилиги фазилатлари ва Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатларини ривожлантириш ва мустақамлаш ишига қўшган улкан ҳиссасининг эътирофи сифатида Жанубий Корея раҳбарининг ташаббуси билан ушбу ташрифга яна давлат ташрифи мақоми берилди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари ижро этилиши ва фахрий қоровул ротаси томонидан олий мартабали меҳмонга юксак ҳарбий эҳтиром кўрсатиш каби таомилларни кўзда тутувчи расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўртасида

музокаралар бўлиб ўтди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Президент Ислом Каримов билан яна учрашиб турганидан гоёта мамнун эканини, улар ўртасидаги муносабатлар ўзаро дўстлик ва ишончга асосланганлигини таъкидлади. Корея раҳбари мазкур ташриф Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда амалга оширилаётгани унинг аҳамиятини янада оширишини алоҳида қайд этди.

Халқларимиз азалдан савдо ва ҳар томонлама гуманитар алоқалар ўрнатган, ўзаро билим ва тажриба алмашган,

бир-бирини маданий ва маънавий жиҳатдан бойитиб келган. Меҳнатсеварлик, катталарга ҳурмат ва оилавий қадриятларини эъозлаш, меҳмондўстлик, очикқўнглик каби кўплаб фазилатлар ўзбек ва корей халқларига бирдек хос бўлиб, уларни бир-бирига яқинлаштиради. Бир пайтлар ўзбек халқи тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган ўн минглаб корейсларга меҳр-оқибат ва олийқимматлик билан бошпана берганини корей халқи ҳеч қачон унутмайди. Айни вақтда кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг ажралмас қисмига айланган мазкур миллат вакиллари юртимизга келганининг 75 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Бугунги кунда изчил мулоқотлар ва муштарак интилишлар туфайли давлатларимиз ўртасида очиклик, ўзаро ҳурмат ва ишонч, яқин

стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар қарор тошган ва бу алоқалар кундан-кунга янги амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Мамлакатларимиз раҳбарлари очиклик ва ошқоралик руҳида фикр алмашдилар ва ўзаро муносабатларни, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир кенг қўламли масалалар, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан томонларнинг қарашлари ўхшаш эканини тасдиқладилар.

Президент Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотларнинг мантикий давоми бўлди, томонларнинг ўзаро муносабатларнинг барча соҳаларидаги амалий ҳамкорликка янги суръат бахш этишга

бўлган муштарак интилишини яққол намойиш этди.

Томонлар Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор тошган ва 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил кенгайиб ва янги мазмун билан бойиб бораётган ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо бердилар.

Ўзбекистонда Корея Республикасига жадал ривожланаётган, улкан иқтисодий, индустриал-техник ва интеллектуал салоҳиятга эга, глобал молиявий инқироз шароитида илгор инновацион технологияларни кенг жорий қилиш ва амалиётга фаол татбиқ этиш асосида барқарор ўсиш суръатларини намойиш қилаётган замонавий давлат сифатида қаралади.

(Давоми 2-бетда.)

## ФАХР ВА БУРЧ

Қарши шаҳри Самарқанд маҳалласида яшовчи Турсунпўлат Холов қирқ йилдан зиёд таълим тизимида меҳнат қилиб, ёшларни маърифатга ошно этган фидойий устоз-педагоглардан.



### 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

Шаҳардаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ берган Турсунпўлат ака шарафли, айни пайтда масъулиятли касбга бўлган садоқати билан эл ичида ҳурмат қозонган. Ҳозирда нафақада бўлса-да, хонадонидан шоғирдларининг қадами узилмайди. Фарзандлари ва келинларидан 7 нафари ўқитувчи.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида шакллантирилган самарали моделни бугун жаҳон аҳли тан олиб, юксак баҳоламоқда, — дейди Т. Холов. — Яқинда матбуотда ўқидим, Франциянинг нуфузли "Insead" хал-

қаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан эълон қилинган "2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси" таҳлилий маърузасига кўра, Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича 140 дан зиёд давлатлар ўртасида 2-ўринга муносиб топилди. Бу эътироф бежиз эмас. Дунёда шундай давлатлар борки, болалари мактабга боришни, ўқиб ўрганишни фақат орзу қилиб яшайди. Бизнинг юртимизда эса ёш авлод тўлиқ узлуксиз таълимга қамраб олинган. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб

таълимини ривожлантириш умум-миллий дастури асосида амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг самарасини бугун ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Шаҳар ва қишлоқларимизда қад ростлаган замонавий таълим масканларида чинакам бахтиёр авлод камол топмоқда. Бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айни пайтда, яратилаётган ушбу шароитларнинг қадрига етиш ҳам бурчимиздир.

Суратда: Турсунпўлат Холов набиралари билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

### Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

2012 йил 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кун тартибининг тасдиқлагандан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига доир масалани кўриб чиқишга киришдилар.

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йилнинг биринчи ярмида Олий Мажлиси маъқуллаган параметрларга мувофиқ, шунингдек, жорий йилнинг 19 январь куни ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2012 йилга мўлжалланган дастуридаги энг муҳим устуворликларни аниқ мақсадни кўзлаб ҳолда амалга ошириш туфайли ижро этилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ўсишнинг юқори суръатлари таъминланди, ЯИМ ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди.

(Давоми 3-бетда.)

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг узоқ муддатли, ишончли ва вақт синовидан ўтган стратегик шериги бўлиб, мамлакатларимиз ўртасида мустақам, тизимли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қарор топган.

Сиёсий соҳада давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган, иқтисодиёт ва тижорат тузилмалари, банклар, компаниялар ўртасида ҳам илчил ҳамкорлик амалга оширилмоқда. 2011 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошди, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич қарийб 50 фоиз ўсди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 230 дан зиёд ҳужжат имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг музокаралари яқини бўйича томонларнинг ўзаро манфаатли соҳаларда икки мамлакат халқларининг туб ва узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилувчи ҳамкорликни истиқболда ҳам ривожлантириш мақсади тасдиқланган Қўшма баёнот имзоланди.

Президентлар Ислон Каримов ва Ли Мён Бак ҳуқуқий соҳада, сайёҳлик ва молия йўналишларида ҳамкорлик бўйича қатор ҳужжатлар имзоланганидан, шунингдек, қиймати 5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган ва бунда Кореянинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 3 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилувчи шартномалар тузилганидан мамнуният изҳор қилдилар.

Мазкур лойиҳаларда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини, Навоий шаҳри аэропорти базасидаги халқаро интермодал логистика маркази ва "Ангрен" эркин индустриал зонасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Қабул қилинган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорликнинг машинасозлик, энергетика, энгил санаят, фармацевтика, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, нефть-кимё, электроника маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳаларини ҳам қамраб олган. Бу билан мамлакатларимиз стратегик ҳамкорлигининг асоси янада мустақамланмоқда ва ўзаро муносабатларни си-

фат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имкониятлари яратилмоқда.

Корея Республикаси Президенти дунёда беқарор молиявий-иқтисодий аҳвол давом этаётган шароитда Ўзбекистон Республикасининг мувозанатли ва барқарор ривожланаётганини юқори баҳолади.

Шунингдек, томонлар Ўзбекистонда Корея Эқсим-банкнинг Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) линияси бўйича таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, энергия таъминоти, қишлоқ хўжалиги ва экология каби соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда молиявий-техник ёрдам бериш бўйича ўзаро манфаатли инвестицион ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидандир. Таълим, фан, спорт, тиббиёт ва сайёҳлик соҳасида ўзаро самарали ҳамкорлик давом этмоқда, талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар алмашиб фаоллашмоқда.

Ташриф доирасида Президент Ислон Каримов Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Кан Чхан Хи билан учрашди. Мамлакатларимизда амалга оширилаётган парламент ислохотлари ҳақида фикр алмашилди, ўзаро савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришдан томонлар манфаатдор эканлиги таъкидланди.

Президент Ислон Каримов ва Спикер Кан Чхан Хи олий даражадаги стратегик ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш борасида икки мамлакат парламентларининг фаолиятига юксак баҳо берди. Томонлар парламентлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш, икки мамлакатнинг парламент тузилмалари ўртасида алоқаларни, ахборот ва тажриба алмашишни кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

Президент Ислон Каримов Корея Республикаси Бош вазири Ким Хван Сик билан ҳам учрашди.

Ислон Каримов ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги кўп қиррали иқтисодий ҳамкорликни мустақамлашнинг муҳим омили эканини ва иқтисодиётларимиз бир-бири билан рақобатлашмаслигини, аксинча, турли йўналишларда

бир-бирини тўлдириб бераётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Корея Республикаси Бош вазири икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланаётганини юксак баҳолади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 400 дан зиёд кўшма корхона, жумладан, юз фоиз Корея капитали иштирокида 64 корхона ташкил этилган. Кореялик бизнес вакилларининг фаол иштироки натижасида мамлакатимизда қатор стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда, хусусан, "Сурғил" қони негизда қиймати 4 миллиард долларлик Устурт газ-кимё комплекси ва Навоий шаҳрида интермодал логистика мажмуи барпо этилмоқда.

Ислон Каримов ва Ким Хван Сик мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга икки томон ҳам доимо тайёр эканини билдирди.

Ташриф асносида Президент Ислон Каримов Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлиги вазири Менг Хюнг Кю, "ПО-СКО" компаниялари гуруҳи президенти Чунг Жунг Янг, "Ханжин групп" ва "Кореан эйр" компаниялари раиси Чо Янг Хо билан ҳам учрашди. Учрашувларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Кореянинг етакчи компанияларини янги минерал хомашуви конларига ишлов бериш, транспорт, логистика ва ахборот технологиялари соҳасига оид лойиҳаларга жалб этиш масалалари атрофида муҳокима этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон билан Корея муносабатлари тарихида янги саҳифа очди.

Учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқларининг узоқ муддатли манфаатларига тўлиқ жавоб бериши ва ҳамкорликнинг мавжуд бой салоҳиятини самарали амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Томонлар стратегик шерикликини фаоллаштириш, сиёсий мулоқотни кенгайтириш ва барча соҳалардаги муносабатларни ўзаро манфаатли асосда чуқурлаштиришга тайёр эканини яна бир бор намойён этди.

**Анвар БОБОЕВ,**  
ЎЗА махсус муҳбири.

Тошкент-Сеул-Тошкент.

## 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

Ўқитувчи ва мураббийлик касбини улуглаб келаётган, ҳар бир ўқувчиси эришган ютуқдан қувониб яшайдиган, бутун меҳрини ёш авлодни тарбиялашдек улуг ишга бахшида этаётган устозлар доимо эл ардоида.

Элликқалъа туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси Раҳматилла Қодиров ҳам ана шундай устозлардан. У болалигидан ўқитувчиликка ихлос қўйди. Айниқса, математика фанини севиб ўқиди.

Эзгу ният уни ҳозирги Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида қорлади. Билмига чанқоқ Раҳматилла бу ерда ўқитувчилик касбининг сир-асрорларини кунт билан эгаллаб, математика факультетини 1978 йилда муваффақиятли тугатди ва

қиш, мураккаб масалалар тузиш ва ечимини топишга бўлган кучли иштиёқ туфайли Раҳматилла Қодиров шахмат соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга эришди. У мамлакатимиз 13-очик чемпионатида яхши натижа кўрсатиб, совринли ўринни эгаллади. Шахмат бўйича турли халқаро мусобақаларда иштирок этди.

— Дарсларнинг қизиқарли ва самарали бўлиши, ўқувчиларнинг юқори даражада ўзлаштиришига эришиш учун қўшимча адабиётлардан кенг фойдаланиш зарур, — дейди Раҳматилла ака. — Ёш педагогларга

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

кадрдон қишлоғига ўқитувчи бўлиб қайтди.

Ўзига таълим берган устозлари — Отахон Бобоев, Тажиммат Матмуратов, Озод Шомуратов, Муҳаммад Тўраев, Мўминбой Оллабергенов, Қодир Қурбонийёзов, Бозорбой Абдуллаев каби тажрибали ўқитувчилар сафига қўшилиб, "устоз-шогирд" аъналарига содик ҳолда улардан жуда кўп нарса ўрганди, тажриба орттирди.

Устозлар ўғити, доимо изланишда бўлиш Раҳматиллага бирин-кетин муваффақиятлар олиб кела бошлади. 1996 йилда Бухорода бўлиб ўтган педагогик ўқиш жараёнида "Мактабда математика фанида Виет теоремасининг татбиқлари" мавзусида қилган маърузаси ноъанавийлиги, янгилик ёндашув маҳсули бўлгани учун алоҳида эътироф этилди ва Р.Қодиров "Ўзбекистон Республикаси халқ тағлими аълочиси" унвонига сазовор бўлди.

Мамлакатимизда таълим тизимига янги педагогик технологияларнинг кенг жорий этилаётгани, ўқитувчилар учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар устозларни тинмай изланишга, ижодий ишлашга ундамоқда. Раҳматилла Қодиров ҳам математика фанини ўқитишга доир қўллаб-қўлланган, "Қизиқарли масалалар тўплами", "Мураккаб масалалар тўплами", "Геометрик масалалар тўплами", "Мактабда математика фанида матнли масалаларни ечиш", "Ҳосиланинг татбиқлари", "Интегралнинг татбиқлари" каби мавзуларда қўлланмалар ёзди.

Математика фанига қизи-

ўзлаштиришда орқада қолаётган ўқувчиларга қўшимча дарслар ўтиш, уларни фанга қизиқтириш, самийий мулоқотлар ўтказиш тажрибасини ўргатиб келаман. Бугунги кунда собиқ ўқувчиларимиз 15 нафари айнан математика фанидан дарс бераётганини кўриб, меҳнатларим зое кетмаётганидан қувонаман.

Тажрибали педагог, моҳир ўқитувчи Раҳматилла Қодировнинг ёш авлодга замонавий билим бериш, ўғил-қизларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги муносиб баҳо-лашиб, Президентимиз фармони билан 2011 йилда "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" деган юксак унвон билан тақдирланди.

— Бу юксак мукофот менга янги куч ва илҳом бағишлади, — дейди Раҳматилла Қодиров. — Камтарона меҳнатимнинг бундай юксак даражада қадрланиши жамиятимизнинг эртаси, юртимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялашдек шарафли ва ўта масъулятли вазифани бажараётган устозларга давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодаси, деб билмаман.

Ҳа, юртимизда ана шундай меҳрибон устозлар, тажрибали мураббийлар бор экан, ёшлар тарбияси ишончли қўлларда, дейишга ҳақлимиз.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**  
ЎЗА муҳбири

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2012 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорликни, банк-молия соҳаси барқарор ишлашини таъминлади. Бундай натижага, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология жиҳатидан қайта жиҳозлаш, ноишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш эвазига эришилди.

Натижада Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилди, инқироз прогноза назарда тутилган даражада сақлаб қолинди.

Саноат тармоқларидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкаси 6 фоиздан 5 фоизгача туширилганлигига қарамай, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг худди шу даврига таққослаганда солиқнинг ушбу тури бўйича бюджетга тушум 29,1 фоизга кўпайган, жисмоний шахсларнинг даромадида солинадиган кўйи солиқ ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ҳисобот даврида ўтган йилнинг худди шу даврига қийёсласанда тушумлар 21,3 фоизга кўпайган.

Умуман олганда, Давлат бюджетининг даромад қисми 100,2 фоиз қилиб бажарилган.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганига кўра, Давлат бюджетининг харажатлари ижтимоий йўналтирилганлик хусусиятига эга бўлиб, улар биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун ажратилган. Хусусан, бюджет харажатларининг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, 9,6 фоизи иқтисодиётга, 4,4 фоизи марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга, 2,9 фоизи давлат ҳокимияти, бошқаруви органлари ва судларнинг таъминотида йўналтирилган.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг ноль разряди бекор қилиниб, республикадаги барча ташкилотлар учун меҳнатга тўланадиган ҳақ тариф сеткасининг биринчи разрядидан паст бўлмаган миқдорда белгиланганлиги, шунингдек, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун қайд этилган солиқ ставкаларининг камайтирилганлиги ҳисобот даврида ўртача ойлик иш ҳақининг 19,4 фоизга, шунингдек, аҳоли жами даромадларининг 26,1 фоизга ўсишини таъминлади.

Ҳисобот даврида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ёш оилаларга жами суммаси 14 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли истеъмол ва ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун микрокредитлар берилди. Умуман олганда, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш учун йилнинг ўтган даври ичида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан салкам 1,1 триллион сўм, шу жумладан, Давлат бюджети ҳисобидан 100 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Мажлисда эришилган натижалар билан бир қаторда ханузгача ўз ечимини топмаган масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Чунинчи, депутатларнинг фикрига кўра, ҳисобот даврида айрим корхоналарда зиёнига ишлаш ва фойда ҳажмларининг камайишига йўл қўйилган, бир қатор бюджет муассасаларида маблағлар мўлжалланган мақсадлар учун ишлатилмаганлиги, бюджет ва тўлов интизомии бузилганлиги ҳоллари мавжуд, шунингдек, маблағлардан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга ҳам йўл қўйилган. Таъкидландики, бундай ҳолат юзага келишининг бир қатор сабаблари бор, масалан, қонун ҳужжатларининг талаблари, хусусан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талаблари тўлиқ ҳажмда баҳарилди, деб бўлмайд.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган ҳисоботнинг батафсил муҳокама-сида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Музокаралар чоғида ЎзЛиДеП фракцияси мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратилганлигини ва солиқ имтиёзлари берилганлигини алоҳида таъкидлади. Саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси камайтирилганлигига қарамай, ушбу турдаги солиқнинг

бюджетга тушуми кўпайганлиги устида тўхтаб ўтилди. Айни бир вақтда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунларнинг талабларини жойларда амалга ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар тўлиқ ҳажмда ижро қилинишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари талабларини амалга ошириш ҳақида тақлифлар баён этилди.

ЎзХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини, хусусан, харажатларнинг 59,6 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш 2012 йилнинг биринчи ярмида 510,5 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди. Жумладан, уларнинг 345 мингтаси ёки 67,6 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар ҳам муваффақиятли амалга оширилганлиги таъкидланди. Айни бир вақтда ЎзХДП фракцияси аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламларини, айниқса, пенсионерлар ва ногиронларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш зарур эканлиги тўғрисида фикр билдирди.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари оилавий тадбиркорликни ва хунармандчиликни янада ривожлантириш муҳим эканлигига эътиборни қаратдилар. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдирини рағбатлантирувчи тегишли инфратузилмани яратишга ажратилаётган маблағларни самарали сарфлаш муҳим аҳамиятга молик эканлиги таъкидлаб ўтилди. «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси депутатлари туризм фаолиятига доир қонун ҳужжатларини, шунингдек, бир қатор бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни та-

комиллаштириш орқали хизматлар кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантириш зарурлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар, бинобарин, бу Давлат бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш манбаларини кенгайтиришга кўмаклашади.

«Адолат» СДП фракцияси аъзолари инновацияларга асосланган иқтисодиётни модернизациялашга бюджет маблағларидан сарфлаш муҳим эканлигини таъкидладилар. Бунинг учун, фракциянинг фикрига кўра, илмий тадқиқотлар ва ечимларни тубдан бюджетидан ажратиладиган маблағлар бюджет ташкилотлари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, депутатлар энергиянинг қайта тикланадиган манбалари тизимини ривожлантиришга маблағлар ажратилиш зарурлигига ҳам эътиборни қаратдилар.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағлар ҳажми йил сайин кўпайиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, 2012 йилнинг биринчи ярмида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга 47,3 миллиард сўм ажратилган. Бундан ташқари, Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларига ажратилаётган бюджет маблағларини ўзлаштиришнинг самарадорлигини ошириш муҳимлиги устида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазалар баён қилдилар. Ҳукуматга бюджетнинг даромад қисми сифатли ижро этилишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга, хусусан, солиқлар ва бошқа тўловлар бўйича боқимандаликка, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш тақлиф қилинди.

Парламент аъзолари Давлат бюджетига доир ҳисобот юзасидан тегишли вазирилар ва идораларнинг вакилларига бир қатор саволлар билан мурожаат қилдилар.

Муҳокама давомида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси ахборот хизмати

## «БИР КУН — БИР МАҚСАД» САРИ

Хар йили 21 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 181 мамлакат ягона «Бир кун — бир мақсад» шиори остида тинчлик, эзгулик ва дўстликни тарғиб этувчи акция доирасида бирлашадилар.

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги истироҳат боғида шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбир «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, БМТнинг ахборот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил



этилди. Тадбирда ёш ижодий жамоалар, маданият марказлари вакиллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Мактаб ўқувчилари томонидан тадбир доирасида «Дунё — болалар нигоҳида» мавзусида асфальтта расм чизиш танлови ҳам бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирилик тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчилари фаол иштирок этди ва яқунда 7-синф ўқувчиси Робияхон Мансурова «Тинчлик» мавзусидаги ижодий ишлари билан биринчи ўринни кўлга киритди.

Асосий мақсади ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришдан иборат байрам барчаннинг қалбига кўтаринкилик улашди.

Феруза  
ХОЛМУРОВА

## Yangiliklarda

## Yurt nafasi

❖ Андижон давлат университетидида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ташаббуси билан корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Анжуманининг очилишида юртимизда ёшларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўзига хос ўрни, ёшлар фаоллигини ошириш, юрт равнақи йўлида уларни жипслаштириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш борасида олиб бораётган кенг кўламли ишлари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови ҳам якунланди. Унда иштирок этган 20 га яқин бошланғич ташкилотлар етакчиларининг фаолиятлари акс этган слайдлар, кургазmalar намойиш этилди. Фаолияти юқори баҳоланган бошланғич ташкилотлар етакчилари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

❖ Тошкентда "Ривожланган демократик давлатларнинг юрист кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги тажрибаси" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги ҳузуридида Юристар малакасини ошириш маркази томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда вазирликлар, юридик таълим муассасалари раҳбарлари, олимлар, шунингдек, Япония, Буюк Британия, Германия, Венгрия каби давлатлардан етакчи мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Дьерд Сабо мамлакатимизда умуминсоний кадрлар, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу йўналишда халқаро ҳамкорлик кенгайтирилиб, илғор тажриба миллий қонунчиликка имплементация қилинаётгани соҳа ривожига хизмат қилмоқда.

Тадбирда юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, соҳадаги халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича фикр алмашилди.

❖ Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бош прокуратура ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорликда ташкил этилган йиғилишда мазкур комиссиянинг 2012 йилга мўлжалланган иш режасининг бажарилиши муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоятдаги тиббиёт муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олиш, уларни тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш, соғломлаштириш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш хусусида сўз юритилди.

Вояга етмаганлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш билан шуғулланувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

❖ Пойтахтимизда "Инновацияларни бошқариш" мавзусида уч кунлик минтақавий семинар бошланди.

Тадбир Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридида Технологиялар трансфери агентлиги томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Инновацион сиёсат ва технологиялар трансфери соҳасини кўллаб-қувватлаш" лойиҳаси кўмағида ташкил этилди.

Семинарда инновациялар ва интеллектуал мулкдан фойдаланиш масалалари билан шуғулланадиган халқаро экспертлар, мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, олий ўқув юрталари, илмий-тадқиқот институтлари, sanoat корхоналари ҳамда бизнес мутахассислари қатнашмоқда.

Семинар-тренингда иштирокчилар корхоналарнинг инновацион фаолияти, илмий ташкилотлар ва sanoatchиларнинг жаҳон тажрибаси асосида технологиялар трансфери соҳасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

## Сентябр — геограfiya va iqtisodiy bilim asoslari fanlari oyligi

## Изланиш ва ижодкорлик самараси

Сергели туманидаги 300-мактабда иқтидорли ва қобилиятли болалар кўпчилиқни ташкил этади. Ўқув масканидаги ҳар бир ўқитувчи ўз устида ишлашга, турли тадбирлар уюштиришга ҳаракат қилади.

География ва иқтисодий билим асослари фанлари ойлиги доирасидаги очиқ дарслар, қизиқарли тадбирлар, танловлар фақат фан доирасида эмас, балки ҳаёт, меҳнат тарбияси ва касбга йўналтириш билан боғлиқ ҳолда ташкил этилаётгани боис ҳар бир ўқувчининг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Дарсларда қўлланилаётган метод ва усулларнинг хилма-хиллиги ҳам ўқувчиларнинг фанларни яхши ўзлаштиришига туртки берапти.

— География фани ўқитувчиси Карима Ғойипованинг 5-синфда ташкил этган «Одамлар Ерни қандай тасаввур қилишган?» мавзусидаги очиқ машғулот маълумотларга бойлиги билан ўқувчиларни ўзига тортган бўлса, 6—8-синфларда ўтказилган «Ўйла, изла, топ!» интеллектуал ўйини ўқувчиларни индивидуал ва ҳамкорликда ишлашга ўргатгани билан



аҳамиятли бўлди, — дейди директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари М.Солихова. — Шунингдек, «Энг, энг, энг...» деб номланган расм, коллекция, географик макет, тоғ тизмалари схемалари танловида кичик истеъдод соҳиблари ўз қобилиятларини намойиш қилдилар.

Дилором ҲАЙДАРОВА

## Тозалик — соғлиқ гарови

Яккасарой туманидаги 25-умумтаълим мактабидида Таълим, фан ва маданият ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида «Тозалик — соғлиқ гарови» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.



Ушбу тадбир доирасида мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари ўртасида

«Ҳаётимизда озодалиқнинг ўрни», «Гигиена талаблари», «Саломатлиқда озодалиқ ва

спортнинг аҳамияти» мавзуларида танлов уюштирилди.

— Мактабда ўқувчиларнинг саломатлиги ва озодалиқига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада педагоглар ва ҳамширалар зиммасига катта масъулият юклатилган, — дейди мактаб директори Дилором Ҳақимова. — Ўқувчилар билан ҳар ҳафта озодалиқ мавзуси юзасидан кўшимча дарслар, қизиқарли машғулотлар олиб бораёلمиз. Ўйлаймизки, бу билим ва кўникмалар келажақда ҳам уларга асқотади.

Ўқувчиларнинг турли спорт ўйинлари, сахна кўришлари ва куй-қўшиқлари тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди. Фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Ибодатхон НИЁЗОВА

## Йўлларимиз равон бўлсин

Молия вазирлиги ҳузуридида Республика йўл жамғармаси томонидан Миллий матбуот марказида «Ўзбекистон миллий автомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантиришда халқаро молия институтлари томонидан жалб қилинган инвестициялар» мавзусида матбуот анжумани ташкил қилинди.

— Ўзбекистонда автомобиль йўллари тизими қарийб 184 минг километр бўлиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жамғарма томонидан молиялаштирилади. Бугунги кунда халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 453 километр узунликдаги Ўзбекистон миллий автомагистрални қуриши ва реконструкция қилиниши белгиланган бўлиб, шундан 140 километри асфальтбетон қопламали, 313 километри эса цементбетон қопламали йўллардан иборат бўлади. Мазкур қуриши ишларига Осиё тараққиёт банки ҳамда Ислол тарақ-

қиёт банки кредит маблағлари жалб қилинган, — дейди жамғарма директорининг ўринбосари Алишер Ҳақбердиев.

Йиғилишда таъкидланишича, Президентимизнинг 2011 йил 28 декабрдаги «Саудия тараққиёт жамғармаси ва Кувейт араб иқтисодий тараққиёти жамғармаси иштирокида «Ғузор—Чим — Кўкдала» автомобиль йўлини реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тўрт тасмали 73 километр асфальтбетон қопламали автомобиль йўли реконструкция қилиниши белгиланиб,

лоийҳанинг техник иқтисодий ҳисоби тасдиқланган.

Шунингдек, «Ғузор—Бухоро—Нукус—Бейнеу» автомобиль йўлида Кореянинг «POSCO Engineering & Construction Co. LTD» компанияси билан имзоланган шартнома асосида 2 тасмали 51,4 километрли цементбетон қопламали автомобиль йўли қурилиб фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, ушбу йўналишдаги қурилиш ишларини тугаллаш мақсадида Хитойнинг «China Road and Bridge» компанияси билан ҳам шартнома имзолангани, ўзлаштирилган маблағ асосида мазкур объект фойдаланишга топширилиш арафасида экани таъкидлаб ўтилди.

Сурайё СИРОЖИДИНОВА  
«Ma'rifat» мухбири

**Инсоннинг ижтимоийлашуви болалиқдан бошланади. Шу боис келажакда бирор касб-хунар эгаллаб, жамиятда ўз ўрнини эга бўлиш иштиёқи ўқувчилик давримизда ноён бўлади. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида ўзгарувчан меҳнат бозори янги касбларга талаб ва эҳтиёжни оширмақда. Бу касбий лаёқатни эрта аниқлаш ва шакллантиришни, ўқувчиларга қизиқиши, иқтидорига қараб индивидуал — табақалаштирилган ёндашуви тақозо этаётир.**

Тўғри танланган касб шахснинг иқтидори, қобилиятини юзага чиқаришдан ташқари, жамият раёнақда ҳам катта аҳамиятга эга. Шу маънода истиқлол йилларида касб-хунарга йўналти-

хўжалиги талаблари асосий омил ҳисобланиб, шахснинг касбий қизиқишлари, хоҳиш-истағи, индивидуал хўжатлари, ёш хусусиятлари эътиборга олинмаган. Уларга фақатгина касб-хунарга

ри ҳам инобатга олинмоқда. Бунда ўқувчилар ёш ва индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб гуруҳларга ажратилади. Имкониятга мос таълим эса ўқув юкларини ўзлаштиришда энгиллик яратади, болада фанга қизиқиш ортади. Айниқса, психологик хусусиятларига кўра турли методлардан фойдаланиш, касб эгалари билан учрашувлар йигит-қизларнинг муносиб касб танлашида кўл келмоқда.

Ушбу усул уч босқичда амалга оширилади. Аввало, тайёргарликнинг кўйи даражасидаги (касбий қизи-

лан учрашув, касбга доир ўқув-кўргазмали материаллар, йирик корхоналарга сажат, тест, анкета сўрвларини ўтказиб бориш лозим. Агар ушбу табдирлар кўнгилдагидек амалга оширилса, қизиқишларини англаб етган, келажакнинг ижодкорлик лойиҳалари асосида белгилловчи ўқувчилар сони ортади.

Иккинчи босқичда тасодифий, асосланмаган касбий хоҳиш-истаклар, қизиқишлари беқарор, тайёргарлиги ўртача ўқувчилар билан иш олиб борилади. Бунинг учун меҳнатсеварлик ҳисси, ишга ижодий ёнда-

## Dolzarb mavzu

хиш-истаклари барқарор ўқувчилар билан ишланади. Бунда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда ташкилотчилик ишлари, моддий-техник базани мустақамлаш, ота-оналар билан ишлаш каби омилларга асосланилса, самарадорлик ортади.

Айни пайтга келиб, бу борадаги изланишлар ўз самарасини бераётир. Жумладан, мавзу доирасида 300 нафар респондент иштирокида ўтказилган анкета сўрви ўқувчилар фикрида аниқ ўзгаришлар бўлганини кўрсатди. «Инсон нима учун меҳат қилиши керак?» деган саволга ўқувчилардан 50 фоизи юртга, жамиятга фойда келтириш, фуқаролик бурчини бажариш учун дея жавоб берган бўлса, 42 фоизи ўзи ва яқинларини моддий таъминлаш учун касб-хунар эгаллашини айтган. Фақат 8 фоиз ўқувчида меҳнатнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва жамият ривожидида аҳамияти ҳақида яхлит тушунча шаклланмаган.

Бироқ «Қандай касбларга қизиқасиз?» деган савол берилганда ўғил болалардан аксарияти ҳуқуқшунослик, қизлар эса кўпроқ педагогик йўналишларга оид соҳаларни танлагани ҳали бу борада қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда. Мисол учун, айни пайтга келиб, касб-хунарга биринчи ёки иккинчи даражали деб қараш ўзгарганини, балки қобилияти ва лаёқатига мос, жамиятда эҳтиёж катта касб-хунарни танлаш зарурлигини ўқувчиларга тушунтириш талаб этилади. Бу борада нафақат мактаб психологи ва бошқа масъул ходимлар, балки кенг жамоатчилик ҳамкор, ҳамфикр бўлиб ишлаши даркор. Касб-хунар тарбияси оиладан олий ўқув юртигача, маҳалладан меҳнат жамоаларигача — бутун жамиятнинг эътиборида бўлмоғи керак.

**Гулчехра НАСРИДИНОВА,**  
Низомий номидаги ТДПУ  
ишлаб чиқариш  
технологиялари  
кафедраси тадқиқотчиси

# ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ

**касбга йўналтиришда меҳнат бозори талабини ҳам, ўқувчининг истағини ҳам инобатга олиш имконини беради**

риш масаласига долзарб вазифа сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Бу борада юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ўқувчиларнинг касбий қизиқиши, эҳтиёжи, хоҳишига кўра зарур маълумотга эга бўлиб, келажакда шу йўналишда таълим олиши учун имконият яратмоқда.

Хусусан, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини ҳудудларнинг жўроғи ва демографик хусусиятлари, шахс, жамият эҳтиёжларига мувофиқ ривожлантиришда табақалаштирилган ёндашуви жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мустақилликка қадар узок йиллар мобайнида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг ташхисли ва тарбиявий ёндашув услубларидан фойдаланиб келинган. Биринчи усул ўқувчининг меҳнатга яроқлигини аниқлаб, касб-хунар танлашга кўмаклашса, тарбиявий ёндашув аввалдан режалаштирилган касбни танлашга қаратилган. Яъни, марказлашган ишлаб чиқариш



йўналтириш субъекти сифатидагина қаралган. Бунинг натижасида айрим йигит-қизлар ўз тақдирини бефарқ бўлиб, касб-хунар танлашда мустақил қарор қабул қила олмаган.

Эндиликда касб танлашда меҳнат бозори талабларига ҳамроҳан тарзда, табақалаштирилган ёндашув ёрдамида ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари

шаклланмаган) ўқувчиларнинг меҳнат ва касб-натижасида айрим йигит-қизлар ўз тақдирини бефарқ бўлиб, касб-хунар танлашда мустақил қарор қабул қила олмаган. Эндиликда касб танлашда меҳнат бозори талабларига ҳамроҳан тарзда, табақалаштирилган ёндашув ёрдамида ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари, қизиқишлари

шувни тарбиялаш, жамиятда обрў-эътиборли меҳнат мотивлари ва касб танлаш, касбий идеалларни шакллантириш каби педагогик вазифалар амалга оширилади. Натижада барқарор касбий қизиқишларга эга ўқувчилар сони ортиб, ижодкорлик фаолияти юзага чиқади.

Сўнгги босқичда тайёргарлиги юқори, касбий хо-

## КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ

**мавсумий иш эмас**

**Ўқувчиларнинг бошланғич синфда ўқиётганидаёқ ўз келажакини мустақил белгилашида мактаб психологларининг ўрни катта. Шу боис Кўкон шахар ХТМФМТТЭ бўлимида янги ўқув йили бошидан оқ психологлар фаолиятини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Психологлар янгилик ва кўлланмалар билан доимий таъминланиб, ким қандай ишлаётгани, ютуқ-камчиликларини таҳлил этилаётти. Айниқса, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришга жиддий аҳамият берилаётти.**

Мактаб психологи инсон руҳининг чин маънодаги билимдон бўлмоғи лозим. Эндигина онги шаклланаётган болани етук шахс сифатида тарбиялаш узоқ ва самарали меҳнат талаб қилади. Шунинг учун бу ишни мавсумий эмас, доимий вазифага айлантириш мақсадга мувофиқ.

Турли сўровномалар, тест сновлари, суҳбатлар ўтказилиб, натижаларини «Педагогик-пси-

хологик ташхис дафтари»га қайди этиб бориш яхши самара беради. Бугун барча умумтаълим мактабларида ўқувчилар учун шундай дафтар юритилади. Яхши психолог боладаги ўзгариш сабабини аниқлашда ана шу қайдлар асосида хулоса ясайди, педагогик жамоа, ота-оналар билан бамаслаҳат ишлайди.

— Болаларни бошланғич таълим ўқитувчиси тўрт йил ўқита-

ди, юқори синфларда эса устоз-мураббийлар тез-тез алмашади, — дейди педагогик-психологик ташхис маркази раҳбари Манзурахон Қодирова. — Бироқ психологлар ўқувчи мактаб остонасидан ҳатлаганидан сўнг 9-синфни битириб кетгунича бирга ишлайди. Демак, у болаларга энг яқин одам бўлиши зарур. Касбга йўналтириш масаласига эса кичик ёшдан жиддий эътибор берилса, болалардаги қизиқишларни эрта аниқлаш ва иқтидорини ўз вақтида юзага чиқаришга муваффақ бўлади.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

Ўқувчилар бошлангич таълимдан юқори синфга ўтгач, баъзи қийинчиликларга дуч келади. Шулардан бири тарихий саналарни ҳисоблаш бўлиб, бу борадаги чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида 5-синф дарслигига «Тарихда йил ҳисоби» мавзуси киритилган.

Йил ҳисоби инсоният тарихидаги энг буюк ихтиролардан саналади. Шунгача ҳар бир халқ ўзига хос тақвимлардан фойдаланиб келган. Масалан, мелодий (Исо пайғамбар тутилган пайдан бошланган — шамсий йил бўйича ҳисобланади), хижрий (Муҳаммад пайғамбар Макка шаҳридан Мадинага хижрат қилган кундан бошланган — қамарий йил бўйича ҳисобланади) ва бошқалар. Икки хил тақвим бўйича берилган саналарни бир-бирига айлантириш бўйича алоҳида усуллар

дамжо пайдо бўлган давр милоддан аввалги 1500 йилларга тўғри келади.

Ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш учун турли тарихий воқеаларни математик амаллар орқали ўзаро боғлаб ўргатиш ҳам яхши самара беради. Мисол учун, «Финикияликлар унли ҳарфлардан иборат алифбони ихтиро қилгандан беш аср олдин жаҳон тарихида қандай ҳодиса рўй берган?» деган савол ёрдамида 6-синф ўқувчиларининг хи-

### Tajriba

— Ўқув масканимиздаги кимё фани хонасида 27 номдаги асбоб-ускуналар мавжуд, — дейди Мирзачўл туманидаги 18-умумтаълим мактабининг кимё-биология фани ўқитувчиси Одила Иброҳимова. — Улар ўқувчиларнинг ўқув-лаборатория машғулоти билан шуғулланишида қўл келади. Аввало, биз тегишли мавзу юзасидан амалий дарс ўтишга ҳозирлик кўрарканмиз, жиҳозлардан фойдаланиш тартиби билан ўқувчиларни яна бир қарра таништирамиз. Барча имкониятлар яратилган бўлса-да, болада назарияни амалиётда қўллаш учун руҳий тайёргарлик бўлмаса,

қўзлаган мақсадимизга эришиш қийин. Шу боис мен аввал ишнинг мақсад ва моҳиятини ўқувчиларга содда тилда етказаман. Амалиётни бажаришдан олдин савол-жавоб ўтказиб, мавзуларни такрорлашга вақт ажратаман. Ишнинг бошланганидан охиригача болаларнинг мустақил фикр юритиши ва тўғри хулоса чиқаришини таъминлашга уринаман. Тажриба жараёнида моддаларнинг ранги, ҳиди, агрегат ҳолати, ёруғлик ёки товуш ҳосил бўлиши, иссиқлик чиқиши ёки ютилиши кузатиб, дафтарга қайд этиб боришни маслаҳат бераман. Амалиёт даврида қаттиқ, суюқ ва газ

ҳолатидаги моддаларга хос хусусиятларга эътибор қаратамиз.

Амалий машғулот якунида асбоб-анжомларни тозалаш, навбатдаги тажрибага тайёрлаб қўйиш, иш столининг озодлигини таъминлашга катта эътибор беришни талаб қиламан. Бу эса нафақат амалий машғулот самарасини, балки ўқувчилар характеридаги тартиблиликни ҳам таъминлайди. Таъкидлаш керакки, тажриба ўтказилганда фақат тоза, қуруқ, ишга яроқли асбоблардан фойдаланиш, газсимон моддалар билан ишлаётганда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, моддаларни қуруқ пробир-ка ёки чинни қосада қиздириш шарт. Амалий машғулотлар давомида турли таққиловчи қодаларга ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Масалан, модданнинг таъми татиб кўрилмади, ҳиди энгашмасдан ҳис қилинади.

«Ma'rifat» муҳбири  
Абдусаттор СОДИҚОВ  
ёзиб олди.

## ТАРИХИЙ САНАЛАР ҚАНДАЙ ҲИСОБЛанаДИ?

ўйлаб топилган. Бироқ ҳозир мавзумиз бу ҳақда эмас.

Авалло, ўқувчиларга тарих фани дарсликларидан учрайдиган «милоддан аввал» ва «бундан ... аввал» сўзлари ўртасидаги фарқни тушунириш лозим. Масалан: «Дастлабки иероглиф ёзув бундан 5 минг йил аввал Осиё ва Африка (Месопотамия ва Миср)да пайдо бўлган». Мазкур сана мелодий йил бўйича ҳисобланганда куйидагича фойдаланади: «Дастлабки иероглиф ёзув милоддан аввалги III мингйилликда Осиё ва Африка (Месопотамия ва Миср)да пайдо бўлган». Демак, милоддан аввалги III минг йиллик дейилганда, ушбу санага мелодий 2 минг йил (яъни айни пайтдаги сана) қўшилади ва бу 5 минг йил бурунги даврни англатади.

Яна бир мисол. 6-синф тарих дарсликларидан бронза даврига оид манзилгоҳлар ҳақида маълумот берилган. Масалан, Сополлитепа манзилгоҳи Ўзбекистоннинг жанубида милоддан аввалги II мингйилликда ёки Жарқўтон манзилгоҳи мамлакатимиз жанубида бундан 3,5 минг йил олдин пайдо бўлган. Мазкур манзилгоҳлардан қай бири қадимийроқ экани сўралганда айрим ўқувчилар Жарқўтонни белгилайди. Бироқ бу тарихий саналарни ҳисоблашдаги оддий хатоликдир. Чалкашликнинг олдини олиш учун куйидаги усулдан фойдаланган маъқул: Сополлитепа манзилгоҳи пайдо бўлган санага милоднинг 2 минг йили қўшилади. Натижа:  $2+2=4$ . Демак манзилгоҳ бундан 4 минг йил бурун юзага келган. Жарқўтон манзилгоҳи шаклланган санадан эса мелодий йилни айирамиз:  $3,5-2=1,5$ . Бундан англашилмоқдаки, қа-

сбоблаш интеллектни ҳам синновдан ўтказилади. Бунинг учун ўқувчи, аввало, унли ҳарфлардан иборат алифбонинг қачон (милоддан аввалги X асрда) пайдо бўлганини билиши лозим. Қолаверса, милоддан аввалги йил ҳисобида нисбатан олдинроқ бўлган воқеани аниқлашда айирув эмас, қўшув амали қўлланилади. Саволга куйидаги тест жавоблари келтирилади:

А) Афинада давлат амалдорларига маош тўлана бошлаган (милоддан аввалги V аср)

В) Римда барча фуқаролар тенг ҳуқуқли бўлган (милоддан аввалги IV аср)

Д) Орийлар Хиндистонга бостириб кирди (милоддан аввалги 1500 йиллар)

Е) Саклар қабила иттифоқига бирлашди (милоддан аввалги VI аср)

Ўқувчи йилни ҳисоблашда етарли кўникмага эга бўлмаса, милоддан аввалги йил ҳисобида «олдин» сўзини куйидаги тушунади: финикияликлар имло ҳарфларини милоддан аввалги X асрда ихтиро этишган бўлса, демак ундан беш аср олдинги воқеа V асрга тўғри келади («А» жавоб). Аслида эса, кўрсатилган санага беш аср қўшилади:  $X+V=XV$ . Тўғри жавоб — «Д».

Хулоса қилиб айтганда, тарихий саналарни ҳисоблаш усуллари тўғри тушунирилса, болалар кейинги мавзуларни осон ўзлаштирилади, юқори синфларда чалкашликларга йўл қўймайди. Қолаверса, бу тарих ва математика фанлари ўрта-сидаги боғлиқликни ҳам таъминлайди.

Зиёдулла ХУЖАНОВ,  
Иштихон туманидаги  
31-умумтаълим  
мактабининг  
тарих фани ўқитувчиси

## НАЗАРИЯНИ АМАЛИЁТДА ҚўЛЛАЙМИЗ

Аниқ фанлардан назарий билимлар амалиётда қўлланилса, ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари мустаҳкамланиб бораверади. Жумладан, кимё фанидан ўтилган мавзулар юзасидан лаборатория машғулоти билан ўтказилиши яхши натижа беради. Албатта, ўтказилаётган тажриба орқали ўқувчиларнинг шу фанга қизиқишини кучайтириш билан бирга, жиҳозларни сифатли асраш ва улардан самарали фойдаланиш меъёрларини ўргатиш ҳам муҳимдир.

— Ўқув масканимиздаги кимё фани хонасида 27 номдаги асбоб-ускуналар мавжуд, — дейди Мирзачўл туманидаги 18-умумтаълим мактабининг кимё-биология фани ўқитувчиси Одила Иброҳимова. — Улар ўқувчиларнинг ўқув-лаборатория машғулоти билан шуғулланишида қўл келади. Аввало, биз тегишли мавзу юзасидан амалий дарс ўтишга ҳозирлик кўрарканмиз, жиҳозлардан фойдаланиш тартиби билан ўқувчиларни яна бир қарра таништирамиз. Барча имкониятлар яратилган бўлса-да, болада назарияни амалиётда қўллаш учун руҳий тайёргарлик бўлмаса,

қўзлаган мақсадимизга эришиш қийин. Шу боис мен аввал ишнинг мақсад ва моҳиятини ўқувчиларга содда тилда етказаман. Амалиётни бажаришдан олдин савол-жавоб ўтказиб, мавзуларни такрорлашга вақт ажратаман. Ишнинг бошланганидан охиригача болаларнинг мустақил фикр юритиши ва тўғри хулоса чиқаришини таъминлашга уринаман. Тажриба жараёнида моддаларнинг ранги, ҳиди, агрегат ҳолати, ёруғлик ёки товуш ҳосил бўлиши, иссиқлик чиқиши ёки ютилиши кузатиб, дафтарга қайд этиб боришни маслаҳат бераман. Амалиёт даврида қаттиқ, суюқ ва газ

ҳолатидаги моддаларга хос хусусиятларга эътибор қаратамиз.

Амалий машғулот якунида асбоб-анжомларни тозалаш, навбатдаги тажрибага тайёрлаб қўйиш, иш столининг озодлигини таъминлашга катта эътибор беришни талаб қиламан. Бу эса нафақат амалий машғулот самарасини, балки ўқувчилар характеридаги тартиблиликни ҳам таъминлайди. Таъкидлаш керакки, тажриба ўтказилганда фақат тоза, қуруқ, ишга яроқли асбоблардан фойдаланиш, газсимон моддалар билан ишлаётганда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, моддаларни қуруқ пробир-ка ёки чинни қосада қиздириш шарт. Амалий машғулотлар давомида турли таққиловчи қодаларга ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Масалан, модданнинг таъми татиб кўрилмади, ҳиди энгашмасдан ҳис қилинади.

«Ma'rifat» муҳбири  
Абдусаттор СОДИҚОВ  
ёзиб олди.

### ЗАМОНАВИЙ САНАЪТ МАКТАБИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 2011 йили Ёғдудун туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг замонавий биноси фойдаланишга топширилган эди. Мазкур мусиқа мактабида ёшларни санъатга ошно этиб, қобилиятини юзага чиқариши учун барча шароит яратилган. Бу ерда миллий қолғу асбоблари, фортепьяно, аънавий қолғу ва хонандалик, эстрада қолғу ва хонандалик, тасвирий ва амалий санъат, театр санъати каби йўналишларда 48 нафар малакали ўқитувчи ёшларга таълим бермоқда.

Суратда: аънавий қолғу ва хонандалик гуруҳи ўқувчиси Дийрбек Омонов.  
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА)  
олган сурат.

## ОЛДИН ЖАВОБ, КЕЙИН САВОЛ

ёхуд «Тескари жумбоқ» усулининг афзалликлари хусусида

Sinab ko'ring

Ўқитувчи дарс мобайнида тайёр илгор педагогик усуллардан фойдаланиш билан чеклиб қолмай, шахсий тажрибасига таянган ҳолда янгиликлар жорий этиб бориши талаб этилади.

Ўзим ўқувчиларнинг инглиз тилидан сўз бойлигини ошириш, дарсдаги фооллигини таъминлаш учун тадқиқот моделидан кўпроқ фойдаланаман. Бу турдаги педагогик технологиялар мустақил ва манتيқий фикрлашга ўргатиши билан аҳамиятлидир.

Мисол учун ўзимиз шартли равишда «Тескари жумбоқ» дея ном қўйган усулни олайлик. Бунда ўқитувчи гуруҳнинг билим даражасига қараб олдиндан 10—15та жумбоқни битта қоғозга, жавобларини эса бошқа қоғозга ёзиб, 8тадан нусха тайёрлайди. Дарс давомида доскага 8 нафар ўқувчи чиқарилиб, қўлларига жумбоқ ёзилган варақалар берилади. Жавоб карточкалари эса ўтирган 8 нафар ўқувчига тарқатилади. Улардан бири жумбоқ

жавобини айтади, масалан, «The Earth» дейди ва доскада турганлар эса қўлларидagi жумбоқлар орасидан Ер сайёрасига тегишли изоҳни топишлари керак бўлади: «The planet on which we live».

Ўқувчилар одатга қўра аввал топилмоқни эшитиб, кейин жавобини топишга ўрганиб қолишган. Бундай усул инглиз тилидан сўз бойлигини оширишда кам самара беради. Шу боис дарс жараёнида аксинча йўл тутиб, «Тескари жумбоқ»дан фойдаланишга қарор қилдик. Шахсий тажрибамизда бу усулнинг афзалликлари яққол сезилапти. Ўқувчиларнинг фанга қизиқиши ортиб, янги сўзларни яхши эслаб қолиш, мулоқотга киришиш, муаммоларни ечиш ва мустақил фикрлаш малакаси ўсмоқда.

Дилшоода НОМОЗОВА,  
Новий давлат педагогика институтини  
қошидаги 1-академик лицейнинг инглиз  
тили фани ўқитувчиси

**Узлуксиз таълим тизимида физиканинг ижтимоий фанлар билан интеграциясининг илмий-методик асосларини яратиш замонавий таълимнинг долзарб масалаларидан саналади. Мазкур мақолада физиканинг иқтисод фани билан интеграциясига доир масаланинг ечимларини топиш ва уни ўқув жараёнида қўллаш юзасидан фикр-мулоҳаза юритилади.**

Сўзимиз аввалида ҳозирги замон педагогикасида интеграция бир-бирига боғлиқ бўлган ўқув предметларнинг таққи аналогияси асосланган система эканлигини айтиб ўтишимиз жоиз. Кўпгина олимлар "интеграция" атамасининг шакли турлича, мазмунини бир хил бўлган таърифларини келтиришган. Жумладан, интеграция системанинг катта бутунлиққа қараб харақати, интеграция — фанларнинг бир-бирига яқинлашиши ва боғланиш жараёни бўлиб, предметларaro боғланишни сифат жиҳатидан янги сатҳга кўтариш, интеграция — таълим йўналишидаги ўқув предметларининг қўшилишига асосланган бўлиб, билим ва кўникманинг бутунлигича йўналтирилганлиги, деган фикрлар илгари сурилган. Теварак-атрофимизда юз бераётган табиат ҳодисалари, фан-техника, ишлаб чиқариш ва маиший хизматнинг барча жабҳасидаги интеграция, шунингдек, хусусий фанлар: физика, кимё, биология, табиий география, астрономия, иқтисоднинг ўзаро интеграцияси натижасида қўшма фанлар: физикавий кимё, кимёвий физика, геофизика, биофизика сингари ўнлаб комплекс фанлар вужудга келмоқдаки, буларнинг ҳаммасини ўзлаштириб олиш кўп қийинчиликларга сабаб бўлади. Мазкур қийинчиликларни бартараф этиш учун барча фанлар ва йўналишлар замирида интеграциялашган фаолиятнинг тадқиқ этиш зарурияти сезилмоқда. Бу эса юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва янги-янги касблар пайдо бўлишига олиб келади. Улар моҳиятига кўра илмий билимлар интеграциясидир. Демак, интеграция ҳаётини эҳтиёж бўлиб, бу жараёнсиз фан-техника, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари тўла ривожланмайди.

Тарихий маълумотларга кўра, интеграция бу — бир неча предметларнинг образлар, метафоралар ва символлар асосида қўшилиши бўлиб, оқибатда индивидуал маъно ва қадрият келиб чиқади. Бунда ўқувчилар учун қизиқарли бўлган, ҳаётини муҳим аҳамият касб этган фаннинг амалий йўналишларига катта эътибор қаратиш кўзда тутилган.

Миллий моделимизга асосан, таълим тизимининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш баробарида интеграцияни амалга ошириш таълим тизимининг барча босқичларида бошланган. Жумладан, М.Расулова, Х.Аҳмедова, Қ.Абдуллаева, Р.Сафарова ва бошқалар томонидан яратилган "Учинчи мингйиллик боласи" дастури, А.Баҳромов, Г.Мўминов, Э.Назирова ва бошқалар томонидан яратилган "Ўрта махсус, касб-

хунар таълими фанлари давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари"да интегртив билимларга эга шахсни шакллантиришга эътибор қаратилган.

Фанларaro интеграциянинг таълим тизимидаги ўзига хос ўрни хусусида кўплаб фикрлар билдирилган. Масалан, олимлардан В.Максимова ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ошириш, фан ва амалиётни интеграциялаш тенденциясини ривожлантириш, замонавий кадрларга **интеграллашган билимлар** зарур-

нинг назарий ва амалий асослари» монографиясида қайд этилган. Муҳими, таълимда интеграцияни амалга оширишнинг беш тури кўрсатилиб, бошланғич таълимда амалга ошириш йўл-йўриқлари очиб берилган. Бироқ олимларимиз ишларида юқори синфларда, жумладан, физика ва иқтисод фанларига оид билимлар интеграцияси масаласи эътибордан четда қолган.

Аслида, илмий билимлар дифференцияси ва интеграцияси жараёнлари биргаликда мавжуд бўлиб, улар дунёни билишнинг турли шакллари ҳисобланади. Улардан биринчиси илмий билимларни бир неча мустақил фанлар доирасида дифференциялашга йўналтирилган бўлса, иккинчиси илмий билимларни турдошлик хусусиятлари ва мोजиқлари бўйича битта фанга омихташтиришга, яъни интеграциялашга йўналтирилгандир. Масалан, "география ўзаро чамбарчас боғланган

лимини белгиламайди. Табиатни, жамиятни билиш учун интегртив билимлар зарур». Шу боис ҳар бир ўқитувчи фанларaro алоқа усулини қўллар экан, аввало, ўқувчиларда ўз фани доирасида кўпроқ тушунчалар ҳосил қилишга интилади. Натижада, ўрганилиши зарур бўлган асосий объект — инсон ва табиат, хусусан, улар ўртасидаги муносабатлар яхлит ҳолда эмас, балки турли фан нуқтаи назаридан талқин қилиниб, алоқадорлик хусусиятларига кам эътибор берилади.

"Таълим тўғрисида"ги қонунга биноан умумий ўрта (таянч) таълим тўққиз йил қилиб белгиланган. Умумий ўрта таълим мақсадидан келиб чиқиб, тўққиз йиллик мактабнинг биттирувчилари табиий фанлардан маълум даражада тугалланган билимга эга бўлишлари керак. Буни аввалги мактабнинг 10-11-синфларида ўқитиладиган физика, кимё, биология, география ва

## Fikr, mulohaza, taklif

ёрий ҳужжатларда таълим мазмунини интеграциялашга эътибор кучайган. Мамлакатимизда 9+3 тамойили асосида 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизимининг жорий этилиши V-IX синфларда интегртив курслар ташкил қилиш имкониятини яратади. Аммо интегртив предметдан дарс берадиган малакали ўқитувчилар тайёрлаш муаммоси тўлақонли ҳал этилгунга қадар ҳамда юқори (VIII-IX) синфларда физика, кимё, география, иқтисод ва биология предметларида бирмунча мураккаб лаборатория ишлари ёки амалий топшириқлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, бу предметларнинг «қоришма»сидан иборат интегртив курсларни ҳозирча V-VII синфларда жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қайси фанларни бирикма курсга айлантириш, қайси ўқув фанини қисқартириш ва, ниҳоят, ўқув режани қандай ўзгартириш муаммоларининг илмий ечимини топишимиз керак.

Фандаги интеграция ва дифференция жараёнлари таълим тизимида бири иккинчисини инкор қилмайди, балки уларнинг ҳар иккиси ҳам давлат таълим стандартлари меъёрлари асосида ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар ҳажмини ифода-лайди.

Интеграция тушунчасининг моҳияти ўқув предмети дарслигида блокли ва тадрижий усулда ўз ифодасини толган. Табиат нафақат инсонни ўраб турган борлиқ, олам сифатида, балки инсон билан узвий боғлиқ бўлган яшаш макони тарзида талқин қилинган.

Умуман, таълим беришда муҳим йўналиш ҳисобланган интеграция талабига айнан мос дастлабки интегртив дарслик яратилиши мамлакат узлуксиз таълим тизимида муҳим воқеалардир. Умумий ўрта таълим тизимидаги ўқув предметларини интеграциялаштириш педагогик кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунда баъзи ўзгаришларни тақозо қилади. Бу, аввало, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигига тааллуқли бўлиб, бўлғуси ўқитувчи(талаба)лар бирикма фанлар моҳиятини олий ўқув юртидаёқ чуқур англаб етмоқлари даркор. Зеро, ўқитувчи тайёрлаш берадиган олий ўқув юртлири учун ҳам интегртив курслар тузиш ва ўқитиш билан боғлиқ илмий тадқиқотларга киришиши айни мудоа. Айниқса, педагогика олий ўқув юртлири бакалаврият бўғини талабаларига мўлжалланган интеграциялаштирилган ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратиш лозим бўлади. Шу жиҳатдан биз томонимиздан билдирилаётган фикрлар ана шу долзарб муаммонинг ечимини топишда қўл келиши мумкин.

**О. КУВОНДИКОВ,**  
физика математика  
фанлари доктори,  
профессор,  
**Ш. КУВОНДИКОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди,  
доцент

(Давоми бор.)

# ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯ

## ёхуд унинг таълим тизимидаги ўзига хос ўрни хусусида

лигини таъкидлаб, педагогикада предметларaro алоқа масаласи ўзининг кейинги ривожини таълимни интеграллаш гоёсида топишини қайд этади.

Педагог олим Л.Тарасов физикага атроф-оламни ўрганишдаги билимлар манбаи — фан-техника тараққиётининг асоси, инсон маданиятининг зарурий компоненти деб таъкидлаши билан бирга, физиканинг гуманитар потенциалига алоҳида эътибор беришда интеграциянинг роли жуда катталигини алоҳида уқтиради. Замонавий физика ўқувчиларда янги тафаккур юзга келишини, планетар фикрлаш гоёсини илгари суради. Олим Ердаги бугунги глобал экологик, демографик муаммолар ҳақида сўз юритар экан, таниқли физик И.Рабиннинг "Физика — замонавий гуманитар таълимнинг ўзаги" деган гапини келтиради. Муаллиф бу муаммоларни ҳал қилиш учун ёш авлодни ҳар томонлама интегртив билимлар билан қуроллантириш зарурлигини ҳам алоҳида қайд қилади. Умуман олганда, дунё олимлари интеграциянинг турли шакллари: замонавий иқтисодиёт, сиёсат, фан ва техникани ривожлантиришдаги роли каби мавзуларни кенг ёритишган. Дунёнинг бир бутунлигини тушуниш, илмий дунёқарашни шакллантириш, фан ва техника, жамият, табиатнинг ўзаро боғлиқлигини, англаш, замонавий глобал муаммоларни ечишда унинг муҳим ўрни мавжудлигини кўрсатишган.

Таълимда интеграциянинг ижтимоий, иқтисодий, педагогик зарурият эканлиги Р.Жўраев таърифи остида муаллифлар Р.Сафарова, У.Музаев, П.Мусаев, М.Салоевнинг "Умумий ўрта таълим тизимини прогностика қилиш-

фанлар комплексидир. Бу комплекс икки катта бўлимга — табиий география ва иқтисодий географияга бўлинади. Бу ўрганиш объекти асосида бўлинишидир: биринчиси (табиий география) табиати ўрганиш ва табиий фанлар қонуниятларига таяниб иш кўради; иккинчиси(иқтисодий география)нинг предмети жамият — аҳоли, ижтимоий ишлаб чиқариш ва уларнинг жойлашишидир; у ижтимоий ҳодисаларга хос бўлган ва ижтимоий-иқтисодий фанлар текширадиган қонуниятларга асосланади".

Дифференция ва интеграция тушунчалари яқин 10-15 йил олдин илмий доираларда кам ишлатилган бўлса-да, улар таълим-тарбия жараёнида турли даражада истифода қилинган эди.

Шуниси аниқки, табиий-илмий билимларни дифференциялашган ҳолда ўрганиш ҳаёт моҳиятини англашга, микро ва макро оламни ид-роқ этишга, табиатнинг яхлитлиги ва унда инсоннинг ўрни, инсоният олдида турган улкан муаммоларни тасаввур қилиш ҳамда ечимига комплекс ёндашишда қийинчилик туғдирди. Бу муаммоларни умумий ўрта таълимда «фанларaro боғланиш» деб аталувчи йўл билан ҳал этишга уриниш ижобий натижа бермади. Чўнки асарият ўқитувчилар ўз фани доирасида етарли даражада билимга эга бўлса-да, аммо физика ўқитувчиси тарих, биология ва географияни, география ўқитувчиси эса физика, кимё, биология ва астрономияни етарли даражада билмайди.

Германиянинг Геттинген университетининг профессори Г.Либкент қуйидаги фикр-ни айтиди: «Фақат битта фанни, масалан, кимёни чуқур билиш, унинг тўлақонли би-

иқтисод каби ўқув фанларининг тузилиши ва мазмунини тўғридан-тўғри тўққиз йиллик мактабга кўчириш, дея тушунилмаслик лозим. Аксинча, тўққиз йиллик мактабда бериладиган таълим мазмунининг мураккаб қисмлари у ёки бу йўналишдаги касб-хунар коллежи ёки академик лицейларда ўрганилиб, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимда эса ўқувчиларнинг кундалик ҳаётини фаолиятда зарур бўладиган кўникма ва малакаларни эгаллаши, илмий дунёқарашларини шакллантириш, хусусан, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиниш давом эттиришлари учун замин бўладиган билимлар бериллади. Таълим ва тарбия мазмунини белгилашда, ўқувчиларга ўқитиладиган тушунчалар миқдори ва уларнинг қай даражада чуқур ўрганилишини ҳамда турмушнинг турли жабҳаларида амалий фаолият юритиш учун асосладиган билим, кўникма, малакалар ва уларнинг қандай даражада шаклланишини давлат таълим стандарти (ДТС) меъёрлайди.

Фан асослари билан қуроллантириш функцияси устувор бўлган физика, биология, кимё ўқув фанларидан фарқли ўлароқ, география, тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари, адабиёт, иқтисод, миллий истиклол гоёси ва маънавият асослари, Ватан туйғуси сингари ўқув фанларида тарбиявий функция устуворлик қилади. Бу ўқув фанлари мазмунини кўпроқ ўқувчининг дунёқарашини шакллантиришга, ватанпарварлик туйғусини мустақамлашга, ахлоқий-эстетик, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан тарбиялашга йўналтирилган. Ўқув фанлари функцияларини аниқлаш бўйича изланишлар давом этмоқда. Чўночи, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва бошқа меъ-

# ЎЗЛИГИМНИ АНГЛАТГАН ДАРГОҲ

— Бир жойда яшовчи ҳатто мушук билан ит ҳам адоватсиз бўлиши керак, — дерди бувим.

— Нега? — деб сўрадим мен ҳайратланиб. — Эртақларда ҳам, ҳаётда ҳам улар бир-бирига душман ҳисобланади-ку.

— Сабаби шуки, кичкинтойлар кўпроқ улар билан ўйнайди, англаб-англамай ҳайвонларнинг айрим қилиқларини ўзлаштиради. Фарзандларини ўйлаган ҳар қандай ота-она уй ҳайвонларига ҳам яхши муносабатда бўлиши керак.

Ўшанда минг уринмай, бувим айтган гапнинг маъносини тушунмаган эдим.

Бир куни қўшимизнинг икки қизи уришаётганини кўриб қолдим. Каттаси синглисининг юзини тирнади, синглиси эса опасининг қўлини бор кучи билан тилшлади. Бир-бирини жароҳатлаб, йиғлаётган опа-сингилни ойнаси келиб ажратди. Ойнаси нимага талашиб уришишганларини сўради-ю, лекин бир-бирига нега бундай жароҳат етказганларига аҳамият бермади.

Мен беихтиёр бувимни эсладим...

— Чортоқдаги қалдирғочнинг уясига тегманлар, — дейди онам. — Чунки улар ҳам оиламизга тегишли, бизга ишонади, меҳр кутиб яшайди. Ҳар баҳорда оила куриш, кўпайиш мақсадида узоқ масофаларга аҳамият бермади.

Мен беихтиёр бувимни эсладим... Чортоқдаги қалдирғочнинг уясига тегманлар, — дейди онам. — Чунки улар ҳам оиламизга тегишли, бизга ишонади, меҳр кутиб яшайди. Ҳар баҳорда оила куриш, кўпайиш мақсадида узоқ масофаларга аҳамият бермади.

Бир сафар катта акам эски чортоқни бузиш кераклиги ҳақида гапириб қолди: “Яқинда укамни уйлантираман, меҳмонлар келишига, кулиб юришмасин тагин. Қалдирғочлар бошқа уя солиб олишади”. Отам бошини чайқалди: “Қалдирғочлар туҳум қўйишган, болам. Полапонлар чиқсин, улар учирма бўлгач, чортоқни янгилаймиз, тўғини ҳам ўтказамиз. Озгина кутсак, ҳеч нарса ўзгармайди. Инсоннинг дўст билан кушларнинг оиласини бузиб, қандай оила куриш мумкин!”.

— Ҳовлида Устан гулнинг битта барги узилса ҳам хунук кўринади, — дейди опам Давлатбека ва эркатой синглисига ишни пухта қилишни, ҳар ишда

қиз болага хос жозиба, гўзаллик барқ уриб туриши кераклигини уқдиришдан чарчамайди.

Ота-онамнинг “Каттасига ўргатсанг, ундан кичкинаси ўрганайди” деган шiori бор. Катта акам кичик акамга ва бизларга кўз-қулоқ бўлиш билан бирга, тарбия ҳам беради. Мен кўп нарсани опамдан ўрганганман: ўқишни, ёзишни, адабиётга меҳрни ҳам. Отам ўқитувчи, онам кутубхоначи бўлганлиги боис оилада илм ўрганишга амадорлик бўлди. Бобомдан қолган кутубхона ҳам бизга ёрқин йўл кўрсатувчи чироқ вазифасини бажарди, десам муболаға эмас. Маърифат гўшасига кирмоқ, илм аталмиш дарахтнинг мевасидан смоқ учун катта меҳнат, жасорат, сабр-тоқат талаб этиларкан. Отам талабалик даври ҳақида баъзан эслаб қолади.

Отам мактабни битириб тиббиёт институтига ҳужжат топширади. Лекин омади келмайди. Иккинчи йили университетнинг математика ва физика факультетига ўқишга кирди. Ижарада яшагани сабабли жуда қийналади. Ўқишдан сўнг ишлашга мажбур бўлади. Оқшомлари ухламасдан дарс тайёрлашга ҳам тўғри келган. Аммо ҳўжайинга бу ёқмаган ва соат ўндан кейин чироқни ўчиришни тайинлаган. Шундай пайтлари отам ўртоқлари билан жинчирик ёруғида ёки ой нурида китоб ўқишган экан.

Бу бизга эртақдек туюлади. Отам эса, катта имкониятлар замонида яшашнинг бахт эканлигини тақдор ва тақдор айтишдан чарчамайди. Билим ўрганишни, китоб билан дўст тутинишни маслаҳат беради. Икки акам ҳам отамнинг йўлидан бориб ўқитувчиларни танлади. Опам отамнинг ушлаган орзуини рўёбга чиқариб, тиббиёт институти талабаси бўлди. Мен журналистикани танладим. Кўпчилик менга “Нега шеър ёзасиз, оилангизда шоир бўлмаган-ку?” деб савол беради. “Тўғри, оиламизда шоир бўлмаган, лекин шоиртабиат ота-онам бор” деб ҳазиллашаман.

Баъзилар журналистикани танлаганимга қизиқади. Бунга ҳам ота-онам са-

баччи бўлганини айтаман. Чунки кичкиналимдан отам одамларни севиш кераклигини, “Ота боласи эмас, одам боласи бўлиш” лозимлигини айтди. Мен инсонлар орасида бўлишни, инсоният билан ҳамнафас яшашни истайман. Ҳайвонлар, қушлар тилини тушунмаслигим мумкин, лекин инсонларни тушунишим, инсонийликни ўрганишим шарт. Шунинг учун журналистикани танладим. Балки, бу менинг азалий тақдиримдир...

Кейинги пайтлари отам негадир менга кўпроқ наҳас қилган бўлди. Оилада кичкиналим, ҳаётим тажрибам камлиги учунми, деб ўйлардим. Лекин бир куни ҳаммасини аниқ тушундим.

Отам айтди: — Қизим, сўз устиди ишлаш энг қийин иш. Журналистнинг қуроли ана шу сўзидир. Сўзни жой-жойида ишлатишни билгин. Гуёки ўзингни уста деб тасаввур қил. Гишларнинг бири нотекис қўйилса, бинонинг кўркамга пугур етгани каби битта ортиқча ёки ноўрин ишлатган сўзинг кўнгил уйини вайрон этиши мумкин. Агар доктор беморга нотўғри ташхис қўйса, бир инсон ҳаёти хавф остида қолади, агар журналист хато қилса-чи, бутун халқ ёхуд давлатнинг тақдири хавф остида қолиши мумкин. Журналистнинг хато қилишга ҳаққи йўқлигини инутма. Ҳар қандай хатони тўғрилаш ва кечирмоқ мумкин, лекин айрилган сўзни қайтиб олиб бўлмайди. Ҳар қачон ёзаётганимга нисбатан маъсулиятни сезишинг керак. Сўзни сева бил, ҳақиқатни жонингдан устун қўйгин, зеро, дунёни сўз бошқаради.

Оилада биз — фарзандлар бобо-бувимиз, ота-онамиздан бизни маърифат йўлига бошлагани учун миннатдормиз. Донишмандлардан бири шундай деган экан: “Фарзанд ота-она қўлидаги омонатдир, унинг дили эса нафис гавҳарга ўхшайди. Гавҳарга ҳар хил нақшлар солиш мумкин бўлгани каби бола дилига ҳам турли фикрлар нақшлари солиш мумкин. Бола тоза ер каби-дир, унга қандай уруғ сепаданг, ўша уруғ унади. Шунинг учун ота-она ва му-

аллим бу ишда ўзаро ҳамкор бўлиб, бола кўнглига яхшилик уруғини сепмоқлари лозим”.

Бувим доим “Тилнингда болинг бўлсини, кўнглингда кириб бўлмасин” деб такрорларди. Чунки оиланинг тинч-тотувлигида аёлларнинг ўрни бўлакча экан. Эрак туғишганлар қанча тотув бўлсалар ҳам, уларнинг орасида низо келтириб чиқаришга қодир бир кимса бор экан. Бу — аёлдир. Шунинг учун қизларга яхши тарбия бериш, келинликка тайёрлаб бериш керак. “Овсинлар тотув бўлса, оға-ини аразли бўлмас” деган мақол бор.

Бувим ўзи эшитган бир воқеани сўзлаб берганди: — Ўтган замонда бешта оға-ини бўлган экан. Ота-онаси оламдан ўтганларидан кейин ҳам улар аҳил-иноқ яшашибди. Каттаси оила бошлиғи ҳисобланиб, ҳаммага адолатли муносабатда бўлибди. Топганини ўртага қўйиб, харажатни ҳам биргаликда қилишаркан. Ҳамманинг ака-укаларга ҳаваси келаркан. Кунлардан бир куни оғанилардан бири шундай дебди: “Аҳилликка нима етсин, мана, бизлар тотувликда яшамокдамыз, бир қозондан, битта дастурхондан овқатланамиз”.

“Сизларни тотув қилган биз овсинлар” дебди хотинлардан бири. Куёвлари эса, буни тан олишмабди. Аёл шум кўнглини кўнглига тугиб қўйибди. Орадан ойлар ўтибди. Бир куни овсинлар калла шўрва пиширибди. Катта акаси гўштни тўрабди. (Бу ерда шунини айтиш керакки, ота-боболардан келадиган қадимий анъаналаримизга биноан сўйилган мол, эчки ёки бошқа жонлиқнинг калласи ҳурмат маъносиди ота-она ёки каттанинг олдига қўйилади. У калланинг икки қўзини бир ўзи ейди, бошқа жойларини ўзгаларга қатта-кичиклигига қараб, тақсимлаб беради.)

Дастурхон йиғиштирилганидан сўнг овсинлардан бири эрини уришга бошлади: — Оғзига чўп солган қўйга ўхшасиз, акангиз нима берса, шунини ейсиз-а!

— Нима бўпти, — дебди хайрон бўлган эри.

— Акангиз гўшт тўғраганига эътибор бермадингизми?

— Йўқ. — Тили узун бўлсин деб, тилни ўз аёлига берди, олғир бўлсин деб олдинги оёқларини ўз болаларига берди. Сизнинг болаларингизга кейинги оёқни, менга эса қулоқни берди.

— Ҳали шунақами? — деб эри газаб отига минибди. Орада жанжал чиқибди ва оға-иниларнинг ораси бузилибди. Тотувликнинг олтин илми узилибди. Беш оға-ини бош-бошига оила бўлиб бўлиниб кетдиби.

Ана шундай. Баъзи овсинларнинг бир-бирини кўришга қўзи, отишга ўқи йўқлиги, ҳатто бир-бирининг ёвуз душманлари — кундошлардан бадтар эканлиги айрим халқларнинг нақл-мақолларида ҳам ўз ифодасини топган: “Овсининг бор бўлса, кундошим йўқ дема”, “Кундош кундошга пахта, овсин овсинга тош отади”.

Бу жуда аламли. Эрини қалдронларидан ажратиш, ота-онаси, туғишганларига қарши қўйиш яхши хотиннинг иши эмас. Бу тарбиясизлик аломати. Шунинг учун қизларга кичкиналимдан яхши тарбия бериш зарур. Шунинг учун қизларга кичкиналимдан яхши тарбия бериш зарур. Шунинг учун қизларга кичкиналимдан яхши тарбия бериш зарур. Шунинг учун қизларга кичкиналимдан яхши тарбия бериш зарур.

Оила — ватан ичидаги кичик ватан деганлари ҳақиқатдир. Чунки оиламизнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари, одатлари, бошқаларникига ўхшамаган ўзлимиз бор. Бобомдан бизга катта бор ва табиатга нисбатан сўнмас меҳр мерос қолган. Йўл бўйидаги олтишга яқин дараклар ҳали-ҳамоно ям-яшил, қишлоғимиз кўркамга кўрк қўшиб турибди. Мен шу йўлдан юришни ва боғ орасидаги кичкиналимдан яхши тарбия бериш зарур. Шунинг учун қизларга кичкиналимдан яхши тарбия бериш зарур. Шунинг учун қизларга кичкиналимдан яхши тарбия бериш зарур.

Несибеги МАМБЕТИРЗАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси

Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлоднинг дунёга келтириб, уни тарбияловчи муқаддас маскандир. Жамият ва давлатнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши айнан шу пойдевор мустақамлигига боғлиқ. Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар маъмурида оила манфаат-

## ЖАМИЯТ ГАВҲАРИ

ларининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан химоя қилинишни таъминлаш масаласига ҳамда миллий ўзлимизни англашга мос тарзда уйғунлаштири олаемизми?

Одатда оиланинг ҳаётимиздаги ўрни бекиёс эканини қалбдан ҳис қилиб турсак-да, бу ҳақда ҳамма вақт ҳам жиддий бош қотириб кўрмаймиз. Боиси, инсон ўз ҳаётини оила муҳитидан бошлагани, унга энг зарур ҳаёт дарсларини ўргатувчи улуг зотлар — ота-она, бува-буви, ака-ука, опа-сингил беминнат муносабатда бўлгани учун барчасини табиий бир ҳол деб

асосланган бугунги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жараён, хусусан, фуқаролик институтлари томонидан оила ва уни мустақамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи қандай самара беради? Учунчидан, биз ўз тараққиётимизда глобаллашув ва модернизациялашув жараёнини ҳисобга олган

ҳолда жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасини шарқона менталитет ва қадриятларимиз асосида ҳамда миллий ўзлимизни англашга мос тарзда уйғунлаштири олаемизми? Одатда оиланинг ҳаётимиздаги ўрни бекиёс эканини қалбдан ҳис қилиб турсак-да, бу ҳақда ҳамма вақт ҳам жиддий бош қотириб кўрмаймиз. Боиси, инсон ўз ҳаётини оила муҳитидан бошлагани, унга энг зарур ҳаёт дарсларини ўргатувчи улуг зотлар — ота-она, бува-буви, ака-ука, опа-сингил беминнат муносабатда бўлгани учун барчасини табиий бир ҳол деб

билаемиз. Ҳолбуки, оила кишиларни фақат турли манфаатлар воситасида эмас, балки қондошлиқ-қариндошлиқ, чин инсоний тамойиллар асосида боғлаб тургани учун ҳам бебаҳолик. Аслида, кишилик жамиятини ўзаро бириктирувчи, уларни дўст, аҳил-иноқ бўлиб умргузаронлик қилишга ўргатувчи

бошқа ижтимоий муассасалар ҳам кўп. Истиқлолга эришганимиздан сўнг оилани мустақамлаш, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга эътибор кучайди. Оилага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда юз бераётган жадал ўзгаришлар, ютуқлар билан бирга оилавий муносабатлар тизимида ажралишлар, ёшлар орасида девиант хулқ-атвор кўринишлари, ота-оналар ва фарзандлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлаётгани ҳам сир эмас. Оиланинг жамиятда-

ги мавқеини сақлаб қолиш, мустақамлигини таъминлаш, муқаддаслигини келажак авлод онгига синдириш долзарб аҳамият касб этади. Негаки, оила ижтимоий-психологик бутунлик, меъерий ва информацион восита сифатида шахсга ижтимоий таъсир кўрсатади. Жипслик, иноқликнинг йўқлиги оилани ташқи негатив омилларга таъсирчан қилиб қўяди.

Оила-ниҳоҳ муносабатларида барқарорликни сақлаш — давр талаби. Бутун жамиятимизда бўлгани каби оилада ҳам ўзига хос қадриятлар тикланиши керак. Масалан, собиқ шўролар замонидида келин коммунист бўлсаю, қайнона “партиясиёз” бўлса, ўртадаги муносабатларда, албатта, келиннинг мавқеи баландроқ турарди. Яъни, сиёсат ҳатто мана шундай оилавий масалаларга ҳам ўз ҳукмини ўтказар эди. Яратганга шукр, бугун оилалар миллий анъаналаримиз асосида ривожланмоқда. Бугун оиласида бир ўртасида зиддиятлар пайдо бўлаётгани ҳам сир эмас. Оиланинг жамиятда-

ўтказиладиган тадбирга тўғри келиб қолгудек бўлса, ҳамкасбалари ва раҳбарларидан узор сўраган ҳолда, оиласидаги маросимга вақтида ва хотиржам бора олади.

Жамиятимиз ҳаётидаги янгилашувлар — янги ҳаёт тарзи, замонавий академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлири кўпаяётгани, таълимга эътибор кучаяётгани ота-оналардан фарзандлар тарбиясига янги назар билан қарашни талаб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, оилавий муносабатларни ҳам маънавий-маърифий асосда такомиллаштиришга хизмат қилиб, илм-фанимиз ривожланишига туртки бўлиши аниқ. Халқимизда шахсий фаровонлигидан оила шайнинг баланд тутилиши, қариндош-уруғлари ва яқин одамларига, қўни-қўшниларга гамхўрлик қилишини биринчи ўринга қўйишни ўзига хос қадрият бўлиб, ўзбекнинг қалбидаги бу гавҳар оилавий муҳитни самимиятга тўлдирди, уни ташқи мувоқеа меҳнат жамоасида ва


мустақамлигини таъминлашга хизмат қилади. Абдурауф Фитрат «Оила ва оила бошқариш тартиблари» асаридида шундай ёзган эди: «Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизомига ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва мунтазам бўлади». Ўз-ўзидан равшанлашадиги, оилавий тартиб-интизом муаммолари унинг ҳуқуқий вазиғларини белгилайди. Оиланинг ҳар бир аъзоси, ўз бурчи ва маъсулиятини англаши, ўзаро муносабатларда босиқ ва вазмин бўлиши, молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш юритиши, умумий манфаатдорликни таъминлашга интилиши зарур. Айнан бизнинг халқда кишининг қандай эканлиги оиласига бўлган муносабат билан ўлчанади. Зотан, биз учун оиладан устун турувчи бирорта тарбиявий институт йўқ.

Ваҳоб КҶЧҚОРОВ, сиёсий фанлари доктори

Қарши туманидаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Мустақам оила йилида замонавий архитектура талаблари асосида барпо этилган ушбу масканда оила куриш остонасида турган кўплаб ёшларнинг никоҳи тантанали равишда қайд этилмоқда. Қарши туман ФХДЁ бўлими мудираси Наврўза Абдурахмонованинг айтишича, жорий йилнинг ўтган даврида бўлим томонидан 1,1 мингга яқин никоҳ қайд этил-

## ОИЛА МАСЪУЛИЯТИНИ ҲИС ҚИЛГАН ҲОЛДА...

ган. Ҳар душанба куни бу ерда ташкил этилган “Ёш оила мактаби”да келин-куёвлар учун тиббиёт ходимлари ва ҳуқуқшунослар иштирокида очик мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Ҳозиргача бундай тадбирларда иштирок этган 1,3 минг нафардан ортиқ йигит-қизга соғлом турмуш тарзи, оила маъсулияти ва мажбуриятлари ҳақида атрофлича тушунтириш берилди. **Суратда: қаршилик Ойбек Султонов ва Дилором Халилова “Ёш оила мактаби”даги ҳуқуқий адабиётлар билан танишмоқда.** Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.



## ЎРТАДАН МЕҲР КЎТАРИЛМАСИН

намуна қилиб кўрсатса арзийдиган жиҳатлари кўп. Бу хонадонга қандайдир қайнона-келиник муносабатлари гўя қадрланади. Санобархон ая икки ўглини опа-сингилга уйлантирган. Қизи Саида-хонни эса келинлари ўсган хонадонга узатган.

— Яхши келин Оллоҳнинг бир неъматиди, — дейди ая. — Келин тўру пойгалинг, дерди раҳматли онам. У уйингизга тайёр ҳолда келмайди, ўзингиз тарбиялаб оласиз. Яқинда бир қўшимга «Келин муборак бўлсин!», деб балога қолдим. «Эй, ундок экан, бундок экан», деб ҳасрат дафтарини очиб қолса бўладими... Келинини болангиздек қабул қиласиз, кейин у ўз қизингизга айланади. Нега ўз фарзандимиз хатосини кечиримиз-у, эшигимиздан минг эгилиб кириб келган келиннинг арзимас камчилигини дoston қиламиз? Аксинча, фақат яхши томонини

гапирсангиз, эшитса, уялгандан ҳам яхши бўлишга ҳаракат қилади. Дарҳақиқат, онанинг қандайлиги келин олганида аянинг таъкидлашича, қайнона сабрли, кечиримли, кенгфел бўлиши, меҳнатдан қочмаслиги, бир оғиз ширин сўзини аямаслиги керак. Кўп оилаларда мана шу сифатлар етишмаслиги тўғрисида келин ва қайнона ўртасида келишмовчилик келиб чиқиб, иш эр-

хотиннинг ажралишигача бориб етади. — Мени етти йилгача тандирга яқинлаштирмаганлар, — дейди катта келин Умидахон миннатдор оҳангда. — Билмаганимдан эмас, аяганларидан. Шу оиланинг яхшилигидан синглим Зулфияни ўзимга овсин қилиб олганман-да. Бугун тўрт фарзанднинг онаси Умидахоннинг ўзи ҳам қайнона. Тўнғич фарзанди Дилмуроджон Андижон муҳандислик-иқтисо-

диёт институтини битирган. Яқинда фарзандли бўлди. Қайнона-келин муносабатларини Санобархон аянинг «мактаб»ида ўрганган Умидахон ҳам ҳамма ҳавас қиладиган қайнона бўлди. — Келин билан яшаш, қайноналик ҳам бир санъат экан, — дейди Санобархон ая. Қайнона қайнама-са, келин айнамайди, деган гап ҳам бор. Оиланинг мустақамлиги, бардавонлиги кўп жиҳатдан қайнонага боғлиқ. Энг муҳими, ўртадан меҳр-шафқат кўтаришмасин.

Орифжон СИДИКОВ

## Kollejlar hayotidan

Қаршидан Касби туманига йўл олдим. Автоуловда ҳамроҳ аёл билан турли мавзуда суҳбатлашиб кетдик. Журналистлигимни, Касби хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежига бораётганимни билгач, ўзи коллеж яқинида яшашини, йўл кўрсатиб юборишини айтди.

— Шу касб-хунар коллежи ёнидан ўтганимда баҳри-дилим очилади-да, — деди у. — Чор тарафи гулу-гулзор. Бино узукка кўз кўйгандек қишлоғимизга ярашиб турибди-я. Шу коллеж қурилгач, ўн икки қишлоғига (қишлоқ шундай аталади) барака инди. Илгари бу атрофда бундай маҳобатли иморат йўқ эди-да. Бунга қишлоғимизда хунарли ёшлар кўпаймоқда. Уларнинг илм олишга, касб-хунар эгаллашга иштиёқи ортаётди. Фарзандларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши ўзгарди. Биласизми, қизларимиз тиккан либослар биз улгуржи бозордан олиб келаётган кийим-кечақдан кўра бежирим ва сифатлироқ. Бунга нима дейсиз? Эрта-индин бу қизлар қишлоғимизда тикувчилик чеҳи очиб, бюртмалар қабул қила олишига ишонаман...

Касб-хунар коллежига кириб борарканмиз, ҳамроҳларимизнинг сўзларига амин бўлдик. Чиндан ҳам дарвозадан қараркансиз коллеж келинчакнинг уйдаи ши нам, озода, обод. Кўрган кишининг кўзи қувнайди.

— Авлодларни яхшилик ва гўзаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди, деган эди улугъ байласуфлардан бири, — дейди

касб-хунар коллежи директори Сайёра Юсупова. — Шу нуктаи назардан дарсга, касб-хунар ўрганишга келаётган ўғил-қизларимиз қалбидан эзгу орзу-истаклар буй чўзади. Гўзаллик ва нафосат бор жойда, қут-барака ва файзу тароват бўлади. Бунга мен коллежга раҳбар-

юмлари ишлаб чиқариш, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш ҳамда сошлаш бўйича техник, спорт турлари бўйича мураббий, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, молия, бухгалтерия, маиший хизмат машиналарини таъмирловчи ҳамда нефть шохобчаларига хизмат кўрсатувчи йўналишлари бўйича ўғил-қизлар хунар ўрганишмоқда.

Ушбу таълим муассасаси ишга тушгач, худуддаги Човқай, Ўн икки, Уйрот, Бойдоқчи, Месит, Комилон,

якши бир хунар эгаси бўлиши баробарида, юртга фидойи ва садоқатли инсон бўлиб улғаймоқда. Коллеж ўқитувчиларидан ёшларга фақат хунар ўргатиш талаб этилмайди. Балки улар зиммасига ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук ва салоҳиятли инсонлар қилиб тарбиялаш вазифаси юклатилган. Ҳозирги кунда ота-она фарзандининг коллежда илм ва хунар ўрганишини истаётди. Чунки у боласи коллежда ўқиса ҳеч кимдан кам бўлмаслигини, ақл-идроқли ва кенг дунёқа-

## ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН МАСКАН

лик фаолиятим давомиди амин бўлдим.

Ҳозирги кунда ушбу коллежда 560 нафар қишлоқ боласи касб-хунар ўрганаётди. 23 нафар олий маълумотли педагог уларга сабоқ бермоқда. 2та компьютер синфхонасида 32та компьютер жамланмаси мавжуд, ўқув амалиёт хонасида эса 10та замонавий тикув машинаси бор. Ахборот-ресурс маркази компьютер техникалари билан тўлиқ таъминланган. Спорт залида 34 турдаги спорт анжомлари мавжуд бўлиб, ёшлар спортнинг ўндан ортқ тури билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Тикув ва тикув-трикотаж бу-

Қатаган, Оқ жангал, Майма-ноқ, Эсабой, Танибек қишлоқлари болалари учун хунар ўрганиш имконияти яратилди. Яна бир қувонарли жиҳати, Комилон қишлоғида Касби хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 180 ўринли филиали қуриб битказилмоқда. Бу узоқ қишлоқлардан қатновчи ўқувчилар учун яна бир имконият.

— 12 йиллик узлуксиз таълим том маънода ижобий томонларини намоён эта бошлади, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Баҳодир Жабборов. — 9-синфни битирган ўғил-қиз коллежда илм ўргани-

рашли бўлишини ҳис этаётди-да.

Коллежда ёшларга сабоқ бераётган ўқитувчилар ана шу жиҳатларга катта эътибор қаратишмоқда. Зулайхо Аҳадова, Дилшод Раҳимов, Моҳира Шарипова, Гули Ҳаққулова ва Шоира Аллаёрова каби ўқитувчи ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари фаолияти тахсинга лойиқдир. Сабоқлар қизиқарли бўлса, ўқувчи, албатта, дарсга келади. Бу коллежда ўз исботини топган. Ҳозирги кунда узоқ қишлоқлардан қатнаб ўқийдиган болалар учун автобус қатнови йўлга қўйилган. Бундан ота-оналар жуда мамнун.

— Маҳалла, ота-она ва коллеж ҳамкорлиги яқши йўлга қўйилган, — дейди Мирзо Улугбек маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бозор Ражабов. — Ёшлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турамиз. Ота-оналар ва маҳалла фаоллари ўртасида мулоқотлар ташкил этилмоқда, диний экстремизм, терроризм, одам савдосига қарши кураш масалаларига оид тадбирлар ўтказилаётди. "Касбим-фаҳрим" мавзуси ҳамда қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш бўйича ташкил этилган давра суҳбати ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Фуқаролар йиғинимиз худудида 7300 нафардан ортқ аҳоли яшайди. 1500 нафарга яқин оила бор. Уларнинг аксари яти ёш оилалардир. Биз "Мустаҳкам оила йили" давлат дастури ижросини таъминлашда коллеж жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бораёلمиз. Бу ҳамкорлик келгусида ҳам мустаҳкамлашиб бораверади.

Жорий ўқув йилида илк битирувчилар кўлларига мутахассислик дипломининг олади. Бу, наинки коллеж ўқитувчилари, балки ота-оналар, қишлоқлар ахли учун ҳам унутилмас воқеа бўлиб қолади. Чунки болалар илк бор ўз қишлоқларидидаги коллежда ўқиб, диплом оладилар. Мутахассис деган номга сазовор бўладилар.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,  
"Ma'rifat" муҳбири

### Sentabr — geografiya va iqtisodiy bilim asoslari fanlari oyligi



Сентябрь—география ва иқтисодий билим асослари фани ойлиги доирасида таълим муассасаларида кўплаб методик, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 219-мактабда ҳам фан ойлиги давомида ўтказилаётган очик дарслар ва тарбиявий соатларда ўқувчиларнинг билимлари мустаҳкамлаб берилмоқда.

Мақтабнинг география фани ўқитувчиси Раъно Ибрагимова бир неча йиллардан бери 5—9-синфларга сабоқ бериб келади. Унинг фанга оид намунали дарслари оммалаштирилган. Айни пайтда ўқитувчи «Орол денгизининг табиий геологик худуди» мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

Ҳар бир дарсни ноанъанавий усулда, янги педагогик технологиялар ёрдамида ўтиши ўқувчиларнинг география фанига қизиқишларини оширмоқда. Р.Ибрагимова дарс давомида кўргазмали воситаларидан унумли фойдаланиш, машғулот учун керакли

ўқув жиҳозлари ва қўшимча адабиётларни кўздан кечириб олишга одатланган. Таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал иш олиб боришни йўлга қўйган. Устоз сифатида шогирдларига ҳам ҳаётда, ҳам илмда маслаҳатларини аямайди. Фан ойлиги муносабати билан ташкил этган «Материклар ва океанлар табиий географияси» мавзусидаги очик дарс ҳам слайд воситасида, кўргазмали қуроллар, қўшимча адабиётлардан самарали фойдаланилган ҳолда ўтилди.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

## ДАФТАРИНИ ТОЗА ТУТГАН ЎҚУВЧИ СОВРИНДОРГА АЙЛанаДИ

Бозорга чиқдим. Кўлимда харид қиладиган нарсалар рўйхати. Рўзгор ғор, дейишади. Ҳали у, ҳали бу керак. Харидни нимадан бошласам экан, деган ўй билан бозор пештоқларига назар ташлайман. Нима изласанг, ҳамма нарса муҳайё. Бир-биридан чиройли, бир-биридан ажойиб.

Қайсисини танлашни билмайсан: бирини олсанг, иккинчиси мени-чи, дейди. Ишни ширинлик харид қилишдан бошладим. Онамнинг «Бозорга борсанг, харидни аччиқдан бошлама, ҳар ишнинг боши ширин бўлгани яқши», деганлари эсимга тушади. Кейин рўйхатга назар ташладим — ўқув қуроллари: дафтар, чизғич, ручка, расм дафтар, ўчирғич... Хуллас, секин «Мақтаб бозори»га ўтдим. Расталар жуда гажвум. Сотувчиларнинг кўли-кўлига тегмайди.

— Ая, манависи менга ёқди, — бир болакай кўрсаткич бармоғи билан ишора қилди.

Расм дафтарлари орасидан айнан шуни-си ёққанга сабаб — муқовада биз севиб томоша қиладиган мультфильм қахрамонлари сурвати бор эди. Ёнидагисида табиат манзараси, унисидида тушуниб бўлмайдиган қандайдир чизиқлар, бошқасида геометрик шакллар.

Ёзув дафтарлари тахлами ҳам анчагина. Муқоваларида алломалар расми, фикрлари акс этган. Марғур турган оху, сабзи еб ўтирган қуёнча, ёнғоқ ушлаган олмахон... каби суратлилари ҳам бор.

— Қайси дафтарининг сифати яқши, — сўради хариддорлардан бири.

— Ҳаммаси сифатли, давлат стандартларига мос. Нарҳида фарқ бор, холос.

— Энг яхшисидан 20та беринг. Икки хилдан: она тили ва математика учун.

— Бизда ҳар бир фанга мос дафтарлар ҳам бор. Болангиз нечанчи синф? Дафтар жилдида ўша синфда ўтиладиган фанларга оид маълумотлар ёзилганидан олинг.

Ота дафтарларнинг жилдига қараб:

— Қойил! Шунга ҳам ўйлаб топишибди, бизнинг даврда фақат бир хил дафтар бўларди.

— Хохласангиз, «Тошкент қоғози» корхонаси ишлаб чиқарган дафтарлардан сотиб олишингиз мумкин. Орқасида совринли ўйини бор. Шарти билан танишиб кўринг. Болангизга ёқса керак, — сотувчи бу гапни айта туриб, яшил рангдаги дафтарни тутди. Орқасидаги ёзувга мен ҳам назар ташладим. Бир неча совринлар кўрсатилган, талаб эса оддий: «Энг аввало, яқши ўқинг ва дафтарларни тартиб билан тўлдириг. Шундан сўнг почта орқали бизга жўнатинг». Дафтардаги энг аъло баҳолар учун—нотбук! Баҳолар устоз имзоси билан тасдиқланиши зарур экан. Энг чиройли безатилган дафтар учун—нетбук. Энг кўп тўлдирилган дафтар сонини учун—компьютер ва ҳоказо.

Ана сизга бозор-у, мана сизга қизиқтириш. Бу ишнинг яқши томонлари кўп: бола совринларни ютиб олиш учун юқоридаги шартларни бажариши тайин. Энг асосийси, ўқувчи танлов шартига кўра яқши ўқишга, топшириқларни вақтида бажариб баҳо олишга, дафтарларини тоза ва озода туттишга ўрганади. Ота-она ва фарзанд, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги кучаяди.

...Бозор гажвум, савдо авжида. Талаб даражасида ишлаб чиқарилган, дидга мос ўқув қуроллари атрофидан хариддорлар аримайди...

Дилбар НОРМУРОВОВА,  
Термиз шаҳаридаги 11-мактаб ўқитувчиси

## 1-oktabr — O'qituvchi va murabbiylar kuni

...Эрта тонг. Урганч — Хонқа йўлининг ёнгинасидаги йўлакчадан чақон одимлари билан тез-тез юриб бораётган аёлни кўрган таниш-билишлари кўларини кўксига кўйиб, "Ассалоому алайкум, Гулсара опа!" дея ҳол-аҳвол сўрашади-да, тагин йўлларига кетишади. Аёл эса шовилгандан шовилади. Ахир, унинг одати қадрдон ўқув маскани — Хонқа майиш хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи бўсағасидан биринчи бўлиб кириб бориши!

Хонасининг деразаларини очиб юборган аёл кўксини тўлдириб чуқур нафас олди. Сўнгра кеча бошлаган ишини тугатишга тушиб кетди. Кўлида қалам билан эрталаб миясига келган оҳорли фикрларни ёзаверди. Илҳом кўйилганидан кўйлаверди. Йўқ, у шoir ёки ёзувчи эмас, оддий бир аёл, касб-хунар коллежи раҳбари. Бугунги кунда раҳбар ҳам икхдий фикрламоғи, давр билан ҳамқадам бўлмоғи зарур. Чунки у кечагина шахри азим Тошкентдан келди. Пойттахда ўтказилган нуфузли анжуман — "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт" мавзусидаги Халқаро конференцияда иштирок этиб қайтди. Қалбида Ўзбекистонда яшаш ва шу юрда туғилиш бахтига сазовор бўлганидан мамнунлик ҳиссини туйди, қалби юксак ўзгаришлар ва бунёдкорликлардан бир энтикди. Бир қатор ўқув даргоҳлари — мактабларда ва касб-хунар коллежларида бўлганида таълимни ривожлантириш борасидаги катта гамхўрликни ҳис этди. "Бизнинг ёшлигимизда бундай мухташам биноларда ўқиш қайда эди-ю, бундай замонавий лаборатория ускуналарини кўриш ва тажриба ўтказиш қайда эди. Худди тушдек, дунё бир айланди, елкамизга офтоб тегди. Мана энди ўзбекининг кимлигини дунё ахли бир кўриб кўйсин. Шундай даргоҳларда ўқиган ёшлар, албатта, ютуқларга эришади. Шахсубҳаси!" — деган сўзлар ўтганда ўшанда опанинг ҳаёлидан.

Гулсара опа сафар таассуротларини ёзар экан, мамлакатимиздаги мактабларнинг 96 фоизи "ZiyoNet" электрон-ахборот тармоғига уланганини, мамлакатимизда истиклол йилларида 1500дан ортиқ янги касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилганини қайд этди. Республикаимиз қорхоналарига ўрта махсус таълим олган ёшлар муайян касб-хунарни эгаллаб, ишлаб чиқариш жараёни ва асосларини билган ҳолда тайёр мутахассис бўлиб боришаётганини эътироф этишни ҳам эсидан чиқармади. Сабаби, у бугун ўз ўқувчиларига ўрганган тажрибалари ҳақида, мамлакатимизда бўлиб ўтган нуфузли конференция ва хорижликларнинг ўзбекистонликларга ҳавас билан қараганини тўғрисида тўлиб-тошиб айтиб беришни ният қилган. Мамлакатимизда содир бўлаётган буюқ ўзгаришлардан барча хабардор бўлиши керак. Зеро, Ўзбекистон замини қадим-қадимлардан бундан фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келгани айна ҳақиқат-ку!

Шу маънода зиёга интилиб яшаш ҳалқимиз менталитетининг бир қисмига айлиб қолган. Илло, бу заминдан етишиб чиққан, ўзбекининг бешикларидан алланган Мухаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Мирзо Улғубек каби буюқ аждодларимиз ўзларининг юксак иқтидори ва салоҳиятларини намоён этиб, катта шухрат қозонгани тарихдан маълум ва машҳур. Гулсара опа хонасига ўқитувчилар жамоаси кириб келгандагина бошини қоғоздан кўтарди.

Гулсара Аҳмедова гарчи педагогика илос кўйган бўлса ҳам, орзу-интилишлари замирида хунарга ташналик туйғуси зоҳир эди. Чунки бобоси "Одилхўжа тикувчи" номи билан машҳур бўлган. У қизалоқ пайтлари бобосининг ёнига келадиган мижозларнинг қўллигидан энтикиб кетарди. Одамлар нафақат Хоразм, балки қўшни вилоятлардан ҳам ташриф бу-юришар, тикувчи бобо эса ми-

коллежидаги фаолият Гулсара опанинг умр йўли бекатларини ташкил этади.

Опа ўқувчилар билан кечган умрининг 33 йилини кўз ўнгидан ўтказар экан, "Бешиқдан то қабргача илм изла!" ҳикматида ажиб ҳақиқат борлигини ҳис этади. У болаларни илм-маърифат нуридан баҳраманд этар экан, ўзи ҳам юксалиб бораётгандек туюлаверади. Ўқувчилари, айниқса, ўзи раҳбарлик қилган синф ўғил-қизлари билан она-боладек бўлиб кетганидан қалбида фахр ҳисси туйган пайтлари кўп бўлган. Илк фаолиятини бошлаган кезлари эса устоз-ўқитувчиларнинг маслаҳатларига амал қилиб кам бўлмаган.

2001 йил ёзининг охири кунлари тажрибали педагогга кувонч ҳада этиб кетди. У II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди. Бу орден замирида юксак ишонч борлигини ҳис этди. Ишонч эса лоқайдликни ёқтирмайди.

га сазовор бўлиб қайтди. Унинг галабага эришишида шу фан ўқитувчиси Полвонназир Ситимовнинг муносиб ҳиссаси бор. Иқтидорли ўқувчиларимиздан — информатика фанидан Р.Болтаев, Бобур Шокиров ҳам қувончли натижаларга эришди.

Гулсара опа "Касб маҳорати" кўрик-танловининг республика босқичида тикувчилик гуруҳи ўқувчиси Зебо Искандарова сертификат билан тақдирланганидан, "Барҳаёт аъённалар" фольклор фестивалининг республика босқичида коллеж жалемаоси фахрли 3-ўринни эгаллаганидан гуруҳланади.

Касб-хунар коллежи тумандаги "ХонқачеварСтар", "Хонқадон", "Хонқанон", "Барақақоп" қорхоналари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчилар касб сирларини пухта эгаллаш учун мазкур қорхоналарда ишлаб чиқариш жараёнда иштирок этадилар. Бундан ташқари, тумандаги 192та қорхона ва ташкилот билан 345

## "ТАҚДИРИМДАН АЙЛАНЧАЙ"

Гулсара АХМЕДОВА: «Ўқитувчи учун ўқувчи қалбига нур олиб кириш улў бахт, унинг ишончига ва меҳрига сазовор бўлиш эса олий саодатдир»

жозларининг раъйига қарши бормасликка, гарчи кечалари ҳам тикув машинасининг тижир-тижирдан уйкудаги оила аъзоларини безор қилишини билса-да, келганларнинг кўнглини ранжитмасликка ҳаракат қиларди. Кўнгличан ва оплоқ соқоллари кўксига тушиб турган бобонинг ҳар бир ҳаракати зийрак неваранинг шурига муҳрланарди. Бобо бир тиккан жойини қайта тикмаган, ҳеч қачон мўлжалидан адашмаган. Неварасининг баъзида уйқули кўзлари билан чеварлигига мафтун бўлаётганини, тобора бу касбга эътиқод кўяётганини сезарди ва қалбида умидга қоршиган бир нур йилт этиб кетгандек бўларди. "Демак, касбимни давом эттирадиган зурриётларини етишиб чиқаяпти. Бу эса умрининг бардавомлигини, касбнинг боқийлигини эътироф қилаётгандек..."

Қаҳрамонимиз ўрта мактабни тугатдию, муаллимликнинг этагидан тугди: "Ўқитувчи бўламан!" У фикрини шундай ифода этди ота-онасига. Ота қизиди дадилликдан ҳайрон қолмади, аксинча, кулимсирабгина "Биламан" деди. "Қандай қилиб?" — қизнинг саволи жуда секин эшитилди. "Кечалари кўлингдан китоб тушмаслигидан, хонангнинг чироғи ёниб туришидан..."

«Гарчи ўқитувчи бўлсам ҳам, тикувчилик тўғрақларини очиб ўқувчиларим қалбида хунарни бўлишга илос уйғотман!» деди у зиёкор бўлиш истайдиган Урганч давлат педагогика институтининг (ҳозирги УрДУ) рус тили ва адабиёт факультетида хўжжатини топширар экан.

Шундан кейинги йиллар елдек ўтиб кетди. Аввало, талабаликнинг қайтарилмас давлари, сўнгра ўқитувчилик, касб-хунар

Муаллима ўз ишига янада қаттиқроқ меҳр боғлади.

Катта йўл ёқасида қад кўтариб турган мухташам коллеж биносини 4 гектар боғ ҳалқадек ўраб турибди. Турли мевали дарактларнинг ҳосилидан келадиган даромад иқтидорли ўқувчиларга стипендия сифатида берилди.

— Ўтган йили 12 нафар ўқувчига стипендия ажратдик, — дейди Гулсара Аҳмедова. — Бу йил ушбу кўрсаткични оширишни кўзлаяпмиз. Стипендия — ўқувчининг билимга, қобилиятига ишонч белгиси. У ўзидаги иқтидорни рўёбга чиқариш учун курашади, изланиб ўқийди, машғулотларда фаол бўлишга интилади.

1030 нафар ўғил-қиз касб-хунар сирларини ўрганётган ўқув даргоҳининг ютуқлари бир талай. Ўтган ўқув йилида коллеж истаъдодли ёшлардан 20 нафарга яқини олий даргоҳларнинг талабаси бўлишди. 80 фойздан зиёд ўғил-қизлар ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашдилар. 30 нафари эса микрокредит олиб муастақил бизнес фаолиятини бошлаб юборди.

Ўқув масканида нон ва қандолат пишириш жиҳозлари мавжуд. Аҳолига нон ва макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариб сотишдан фойда олинади. Опанинг ташаббуси билан касб-хунар коллежиде ўқимасдан, бирор касб-хунарни эгаллай олмасдан қолиб кетган катта ёшли фуқаролар учун қисқа муддатли курслар ташкил этилган.

— Фан олимпиадаларининг республика босқичида ўқувчиларимиз фаол иштирок этиб келишмоқда, — дейди фахр билан "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси, — Сарвар Рўзимов кимё фанидан юқори ўрин-

нафар ўқувчига 3 томонлама шартномалар тузилган. 2010 йили ўқув масканида бюджетдан ташқари 15 млн. сўм, 2011 йили эса 14 млн. сўм маблағ топишган ва моддий-техника базасини ривожлантиришга, педагог кадрларни ижтимоий ҳимоя қилишга сарф этилган.

"Кўаламзорлаштириш ва ободонлаштириш" кўрик-танловининг республика босқичида коллеж жамоаси фахрли иккинчи ўринни олганини ўқув даргоҳидаги саранжом-сарихталик ва боғ-роғларнинг фаизи ҳам кўрсатиб тургандек гўё...

Коллеж ўқувчиларининг ютуқлари ранг-баранг. Турли танловлар ва мусобақалар уларнинг иқтидорини намоён этаятир. Масалан, "Камолот" ЁИХ ташаббуси билан ўтказилган "Кўнақлар ва зуклол" беллашувининг худудий турида ўқув даргоҳи ёшлари биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлди.

— Турмуш ўртоғим Фарҳодака билан бирга бир мактабда ўқиганмиз, — дейди устоз ҳаётдан мамнунлик билан. — Икки фарзандимиз Фаррухбек ва Алибеклар ҳам олий маълумотли бўлишган. Турт неварам ҳаётимнинг гули. Тинч-тотув ва ахилликда ҳикмат кўп. Буни босиб ўтган умр йўлимдан яхши англайман. Ишга масъулият сезсангиз, унум ва ривож бир-бирини етаклаб келаверади. Касбга эътиқод эса сизни улуглайди, юксакка кўтарди. Касбнинг яхши-ёмони йўқ. Ҳаммаси ҳам машаққатли, масъулиятли. Мен ўқитувчиликни танладим ва адашмадим. Коллеждаги қизларимга гарчи бошқа йўналишларда ўқишаётган бўлсалар ҳам чеварликка илос кўйишларини, чеварликка аёл учун зеб-зийнат эканини таъкидлайман. Хунарни хор

бўлмади, деган нақлнинг нақадар тўғрилигига тан бераман. Ҳаётимнинг беағи бўлган ишончонам эса иккинчи уйимдек қадрдон. Ўқитувчилар жамоаси билан бирга бўлишга, уларнинг яхши-ёмон кунларида қувонч-ташвишларига шерик бўлишга ҳаракат қиламан. Бу мансаб ёки раҳбарлик масъулият эмас, балки одамгарчиликнинг ёзилмаган қонунидир.

Ўрта бўйли, қорачадан келган, қалин қошлари узун-узун. Гапирганида паст овозда, мулоҳаза билан оҳиста сўзлайди. Эришган ютуқларини бутун жамоанинг ахилликда деб билди ва орденларини ҳам коллежники дея кулимсирайди. Қадамлари чақон, тез-тез одимлайди. Ҳамроҳининг чеҳрасига қараб қандай фикр айтмоқчилигини таъкидлайди. Зийрак нигоҳли аёл, камгап Гулсара опа озодаликни яхши кўради, чеварлики қадрлайди. Қандолатчилик унинг севган машғулоти. Турли хил пиширилган билан меҳмонларни сийлашни ёқтиради. Пазанд бўлиш ҳар бир аёлнинг бурчи эканлигини таъкидлайди. Эркак кишини ҳурмат ва иззат қилиш шартлигини ўқтиради. Оила бошлиғи эркақлар аёлларнинг суянч тоғлари эканини алоҳида эътироф этади.

...Кун оғди. Оқшом файзи бўлачқа. Гулсара Аҳмедова намозом гулларнинг лаб ёришини кутиб, гулзор қошидаги супага келиб ўтиради. Қаранг-а, табиатнинг ҳали ҳеч бир инсон зоти тушуниб етмаган мўъжизали бор-да! Қизик, нега айни кун ботаётган пайтда ял-ял очилишни ихтиёр этган экан бу гуллар? Уларнинг эрталабага юмилмай туришини кўп кузатган опа қандайдир ҳикматни туйгандек бўлади. Худди шу лаҳза сарин ва эпки райхонларнинг анбар ҳидини димоққа уради. «Жаннатнинг неъматидерди момом» — кўнглидан ўтади унинг. Гулга қараган сайин руҳ қуши юксалгандек бўлади-я. У гулзор оралади... Кўлида Румийнинг "Ичиндаги ичиндайдир" китоби. Бўш пайтда китоб мутолаасини ёқтиради. Шу пайт ўқитувчи келинлари Нилуфар ва Нодира кўлариде гулдаста билан опани табриқлагани киришади.

— Оназон, табриқлайман сизни! Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримовнинг Фармони билан сизга "Эл-юрт хурмати" ордени берилибди. Ҳозиргина хушxabарни эшитдик, — деди Нилуфар. Опа кўзлариде қувонч ёшлари билан келинларини бағрига босар экан, умр йўлдоши Фарҳод ака, ўғли Алибек ҳам кўлида гулдаста билан кириб қолишди. Опанинг бағри гулларга тўлди. Бир гулларки, дунёда тенгсиз эди, бир гулларки, меҳр-муҳаббат ва садоқат, вафо ва оқибат тимсоли эди...

Хушxabарнинг қаноти бор, елдек учди. Қўни-қўшилар, қариндош-уруғлар, ҳамкасблар табриғи ўқитувчилар хонадонини янада ёрқин нурларга тўлдириб юборгандек бўлди. Шогирдларнинг қаломидан Гулсара опанинг кўнгли янада мунаввар бўлди. Бу мунавварлик замирида имон ва эътиқод, чин инсонийлик, дўста оқибат, шогирдга иззат туйғуси зоҳир эди...

Феруза  
ТАНҒРИБЕРГАНОВА,  
"Ma'rifat" муҳбири

## Sharh

ри плацебо муваффақиятини таъминлашни аниқлашга уришиб кўрдилар. Уларнинг фикрича, плацебонинг таъсири ишонувчан, ижтимоий фаол, камтарин одамларда юқори бўлар экан.

Плацебо самарасини тадқиқ этиш ишлари ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида амалга оширилмоқда, лекин ҳамон тиббий қўлланма ва илмий мақолаларда феномен механизмлари охиригача ўрганилмаган, дея билдирилади.

— Аслида ҳам бу мураккаб иш, — дейишмоқда Европа тадқиқотлар маркази илмий ходимлари. — Ахир, руҳият ва физиологик жараёнлар ўртасидаги муносабатни аниқлаш осон эмас. Қолаверса, бунда яна бир ўзига хос мураккаблик бор: қандай қилиб бир механизм организмнинг ҳар хил физиологик ва биохимий тизимларига таъсир кўрсатувчи турли дори воситалари ҳамда муолажалар ўрнини боса олиши мумкин?

1892 йил 7 октябрь кuni мюнхенлик таниқли шифокор Макс Петтенкофер ўша пайтда шов-шувга сабаб бўлган Роберт Кохнинг вабо хасталиги инсон организмга маълум турдаги микробнинг тушиши оқибатида ривожланади, деган машҳур назариясини батамом рад этишга қаратилган тажриба ўтказди. Бунинг учун у Р.Кохнинг Берлиндаги лабораториясидан вабо вибриони намунасини олиб, уни бир пиёла сувга аралаштиради ва бир неча ҳаммаси кўз ўнгида охиригача ичиб юборади. Идишдаги сувда микроблар кўплигига қарамай, шифокор касалликка чалинмайди.

Бугун шуниси аниқки, Р.Кох микроблар борасида тўла ҳақиқат бўлган ва фақатгина мўъжиза сабаб шифокор Петтенкоферга ҳеч нима қилмаган. Баъзиларнинг фикрича, Р.Кохнинг ходимлари шифокорнинг мақсадини билган ҳолда унинг ҳаётини хавф остига қўймадилар унинг кучсизроқ микробни жўнатишган. Бош-

ни олиши зарур. Бунда тажриба иштирокчилари кимга қандай плацебо берилаётганини билмагани маъқул.

Бугунги кунда анчадан бери қўлланиб келинаётган дори-ларнинг катта қисми бу каби синовдан муваффақиятли ўтади. Мутахассислар бундай текширувлар натижасида назорат гуруҳидаги баъзи иштирок-

тушунарли ёки қутилган бўлса-да, қолганлари чинакам янгилик бўлди.

Биринчи навбатда плацебонинг организмга таъсир этиш хусусияти ҳар хил касалликларда турлича бўлиши аниқланди. Сохта дори-лар ёрдамида ортиқча хавотирланиш, депрессия, уйқусизлик каби хасталикларни самаралироқ даволаш мумкинлиги маълум бўлди. Масалан, «бу янги, қиммат дори, лекин сизга уни бепул бераймиз» каби сўзлар билан берилган калций глюконат ҳақдориси уйқусизликка қарши ҳақиқий дори каби таъсирга эга бўлиши кuzатилган. Плацебо муолажаси психосоматик хасталиклар — астма, экзема, дерматит каби тери касалликларини даволашда ҳам худди шундай таъ-

қабул қилинганда ёки муолажа вақтида беморнинг аҳоли яхшиланмай, аксинча ёмонлашиши мумкин экан. Лекин феноменнинг энг қутилмаган хусусияти шу бўлдики, гоҳида плацебо самарасини кuzатиш учун беморларни қалғитишга ҳам зарурат йўқ экан. Жон Хопкинс университети қошидаги Тиббиёт мактаби илмий ходимлари томонидан ўтказилган тадқиқотда кучли хавотирланиш аниқланган 15 нафар беморга ҳафтада бир мартадан ҳақдори берилган. Уларга изланиш бошиданок ҳақиқий дори берилмаётгани, лекин шакарли мазкур восита кўп ҳолларда самарали бўлиши мумкинлиги рўй-рост айтилган. Маълум муддатдан сўнг 15 нафар бемордан 14 нафаридан ўзини-ўзи ишонтиргани боис

# ПЛАЦЕБО САМАРАСИ

инсон ишончи орқали ўз хасталигини енгишида намоён бўлади

қалар эса шифокор болаликда вабога чалинган ва хасталикка нисбатан унда иммунитет шаклланишини сабаб қилиб кўрсатишган. Нима бўлганда ҳам, мазкур ҳодиса тиббиёт тарихида «Плацебо самараси» номини олган феноменга ёрқин мисол сифатида қолган.

«Плацебо» сўзи лотин тилидан таржима қилинганда «ёқаман», «соғайтман» маъносини билдиради. Мазкур атаманинг ilk мартаба тиббиётда XVIII асрда қўлланилгани тўғрисида манбаларда айтилган. 1785 йили плацебо оддий усул ёки дори сифатида изоҳланган, 1811 йили эса унга «фойдадан ҳам кўра бемор эҳтиёжини қондириш учун бериладиган дори воситаси» таърифи берилган. У бирор-бир даволаш хусусиятига эга бўлмаган, айна пайтда дори воситаси сифатида қўлланиладиган модда (одатда лактоза) ҳисобланади.

Ушбу усулнинг бундай номланиш сабаби — XIX асрнинг тиббий лугат бойлигида ўзида маълум касаллик борлигини ўйлаб топган ва инжик беморларга бериладиган, аслида даволаш хусусиятига эга бўлмаган воситалар «плацебо» дея юритилган. Шифокорлар беморнинг аҳолини енгиллаштириш учун ундан зарур восита сифатида фойдаланишган. Плацебо одатда бемор ўз касали ҳақида очик гапиришни истамаган ҳолларда шифокор томонидан унга берилган. «Дори» эса нейтрал таъсирга эга моддалар: шакар, бўр, калций глюконат билан тўйинтирилган.

1930-йилларнинг охирига келиб инглиз тадқиқотчиси Бредфорд Хилл томонидан исталган дори воситаси, даволаш таъсири ва жараёнларнинг амалдаги самарасини белгиллаб беришга қаратилган «тасодиқий назорат қилинувчи синовлар» методикаси тақдир этилди. Бу методиканинг битта муҳим шarti ҳам синов, ҳам назорат гуруҳининг мавжудлиги эди. Агар синов гуруҳидагиларга даволаш воситаси ҳақдори сифатида берилса, назорат гуруҳидагилар ҳам худди шу шакл ва таъмдаги, лекин дармонсиз таблеткалар-

чиларнинг аҳоли чиндан ҳам «муолажа»дан сўнг яхшиланганини кuzатишган. Уларнинг соғайиши ҳақиқий дори истеъмол қилганларга нисбатан сустроқ бўлса-да, бундай ҳолат кuzатилганининг ўзи аҳамиятли.

Манбаларда келтирилишича, 1946 йилдаёқ океанортидаги Корнелл университетидан плацебонинг беморга таъсирини ўрганишга бағишланган ilk симпозиум ташкил этилди. 1955 йили эса бостонлик шифокор Хенри Бичер 15та клиник синов натижаларини матбуотда эълон қилиб, уларда беморларнинг учдан бир қисми сезиларли равишда даво топгани ва бу плацебо самараси эканлигини ёзди.

Ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида мазкур ибора кенг жамоатчиликка маълум бўлди ва ўзининг дастлабки маъноси доирасини ҳам кенгайтирди. Маълум бўлишича, беморнинг ҳолатини фақат ҳақдори эмас, балки исталган бу каби муолажа ёки воситалар — организмга юбориладиган тоза эритмалардан тортиб, ҳеч қандай ўзгариш бажарилмасан-да, амалга ошириладиган жарроҳлик операцияларига чалинган экан.

Плацебо самарасининг энг фаол тадқиқотчиларидан бири Ховард Броди илм-фан нисбатан ривожланган XIX асрда ҳам шифокорлар томонидан қўлланилган дори-ларнинг аксарияти ҳақиқатда плацебо бўлган, деган хулосага келди. Сохта ҳақдориларни сохта касалликларга тайинлаган шифокорлар айна пайтда ҳақиқий беморларга ҳам у даражада самарали бўлмаган, биологик қўшмача моддалардан ташкил топган воситаларни тавсия этишган экан. Шунга қарамай, фақат плацебо самараси ўларок, одамлар шифо топиб, шифокорлар хизматидан воз кечишмаган.

Таъкидлаш жоизки, Бичернинг мақоласи мазкур феноменга нисбатан муносабатни ўзгартди, уни тизимли тадқиқотлар объектига айлантирди. Изланишлар натижалари эса мазкур ҳолатнинг қатор хусусиятларини белгиллаш имконини берди. Қизиги, бунда баъзи хусусиятлар нисбатан

сирга эга экан. Қолаверса, плацебо оғриқ қолдириш хусусиятига ҳам эга, бироқ бунда ҳам имкониятларнинг чегараси бор. Бу усулнинг самараси кўпинча оғриқли психологик ҳолатларнинг сабабчиси бўлган неврологик касалликларда кўринади. Жумладан, бош ва умуман, қон томирлари билан боғлиқ оғриқлар пайтда плацебо ҳақиқий дори-ларга чинакам «рақиб» бўла олади. Лекин ташқи жароҳатнинг кучли оғриги пайтда ундан мўъжиза кuzатишнинг ҳожа-ти йўқ.

Мутахассисларнинг айтишича, феноменнинг умумий қонуниятини куйидагича: у ёки бу касалликни даволашда асаб тизими қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, плацебонинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Қанд қасалиги, ошқозон-ичак ва юқумли касалликларда плацебонинг самараси жуда паст экан. Айна пайтда плацебо самара бермайдиган касалликлар ҳам борлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, саратон ўсмасини плацебо ёрдамида бартараф этиш мумкинлигини ҳали ҳеч ким аниқлай олмаган, боиси аденома борлигининг ўзи организм ҳужайралар устидан назоратни йўқотганини ва плацебо таъсири бу ерда самара бермаслигини билдиради.

Тадқиқотларда «универсал дори»нинг яна қатор нооддий хусусиятлари ҳам намоён бўлди. Хусусан, унинг муваффақияти кўп ҳолларда касаллик турига эмас, балки беморнинг шахсига ҳам боғлиқ экан. Масалан, жуда берилувчан беморлар ушбу ҳақдорини энди қабул қилаётган пайтда катта самарага эга бўлиб, шифокор томонидан тайинланиши биланок яхши таъсир кўрсатади ва вақт ўтиши билан аста-секин самараси йўқолиб бораверади. Яна ҳам қизиқроғи, «бўм-бўш дори» қизил, сариқ ёки жигарранг бўлса — самарали, кўк ёки яшил — нисбатан самарасизроқ, сиёҳранг эса умуман таъсирсиз бўлар экан.

Қолаверса, тадқиқотлар пайтда плацебога қарама-қарши самаранинг кuzатилиши ҳам аниқлик бўлди. Илмий тилда «ноцебо» дея аталадиган мазкур ҳолатда аслида дори



хавотирланиш пасайгани қайд этилди.

Маълумот ўрнида плацебо билан боғлиқ яна бир қатор қизиқарли фактларни келтириш жоиз. Антидепрессант воситаларнинг самараси ўрганилаётганда плацебо воситалари умумий шифохоналардаги 50, рухий касалхоналардаги 33 фоиз беморнинг хавотирини пасайтириши кuzатилган. Қабул қилиш микдори кунига бир эмас, тўртта ҳақдорига оширилганда мазкур рақамлар мос равишда 87 ва 90 фоизга ошган.

Даниялик олимлар тадқиқотида менер хасталиги (мунтазам равишда бош айланиши ва кўнгил айнаши билан кузатиладиган, кейинчалик эшитиш қобилиятининг сустайиши билан изоҳланадиган қулоқ касаллиги)ни даволашда жарроҳлик муолажаси самараси ўрганилган. Жараёнда 15 нафар беморга жарроҳлик операцияси, яна 15 нафарига эса плацебо турдаги ўтказилган. Уч йилдан сўнг ҳар бир гуруҳдан 10 нафардан бемор касалликдан азият чекамётгани маълум бўлган.

Плацебо назорати билан боғлиқ кўплаб изланишлар натижаларини умумлаштирган ҳолда органик касалликлар аниқланган беморларнинг тахминан 30, функционал хасталикларга эга 40 фоиз беморлар феноменга таъсирчан экани белгиланди. Психологлар шахснинг қандай хусусиятла-

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, плацебонинг таъсир механизми беморда даво топишга ишонч уйғотишга боғлиқ экан.

Бугунга қадар плацебо самараси механизмнинг маълум хусусиятлари аниқланди. Унинг оғриқни қолдирувчи хусусияти эса энг кўп ўрганилган. Тадқиқотчи инсон миёсидан махсус модда — эндорфинлар бўлиб, уларнинг вазифаси оғриқни қолдиришдан иборат, дея таъкидлашмоқда. Изланишларнинг кўрсатишича, плацебо оғриқ қолдирувчи дори сифатида қабул қилинганда ана шу эндорфинлар синтезланиши кучайтиради ва натижада оғриқ пасаяди. Бошқа касалликларда эса плацебо ошқозон тўқималарида қон айланишини тезлаштириши, шамоллашни кучайтирувчи С-реактив оқсил концентрациясини пасайтирувчи гормонларни ишлаб чиқариши мумкин. Плацебо ҳақдориси таркибида ҳеч қандай даволовчи модда бўлмастлигига қарамай, шу хасталикка шифо бўлади, дея айтилганда, организмнинг шунга мослашиши чиндан парадоксал ҳолатдир. Шундан келиб чиққан ҳолда олимлар инсон организмиде ҳали тўла ўрганилмаган кўплаб хасталикларнинг зарур пайтда плацебо каби оддий таъсир орқали даволаш мумкин, деган илмий фаразлари илгари суришмоқда.

Наргиза ИБРОХИМОВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

**ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ХАСТАЛИКНИ КУЧАЙТИРАДИ**

«ФизОрг» мабасининг маълум қилишича, америкалик тадқиқотчилар жарроҳлик амалиётидан сўнг кузатиладиган ҳар қандай шомолаш нейродегенератив жараёнларни сезувчи мия учун зарба бўлиши мумкинлигини қайд этишди.

Бундан бир муддат илгари океанортидаги Пенсильвания университети қошидаги Перельман тиббиёт мактаби олимлари томонидан жарроҳлик амалиёти кексаликдаги ақлий заифлик — Альцгеймер касаллигини кучайтириши аниқланганди. Бироқ бунда салбий таъсирнинг асосий сабаби жарроҳлик амалиётими ёки анестезия (огриқсизлантириш) жараёними, деган савол очиқ қолганди. Сўнгги изланишда бу саволга ойдинлик киритилди — мутахассислар айнан жарроҳларнинг аралашуви когнитив функцияларни сусайтириб, Альцгеймер хасталигининг кучайишига олиб келишини аниқлашди.



Тадқиқотчилар қорин қисмида жарроҳлик амалиётини бошидан кечирганлар ва шунчаки огриқсизлантириш амалга оширилган хасталарни кузатишган. Маълум бўлишича, жарроҳликдан сўнг 14 ҳафта ўтгач, когнитив қобилиятларнинг пасайиши кузатилган. Анестезия эса бундай ҳолатга сабаб бўлмас экан. Яна бир жиҳати: Альцгеймер хасталигига мойиллиги бўлмаганларда мия фаолиятининг ёмонлашуви кузатилмас экан.

**УЧ ЎЛЧАМЛИ СКАНЕР ҲАҚИҚАТНИ ЮЗАГА ЧИҚАРМОҚДА**

Кўп асрлар давомида ёш фламандиялик rassom Антонис ван Дейкнинг сурати устози Рубенс томонидан яратилган, деган қараш бор эди. Лекин XXI аср технологиялари мазкур санъат асари ҳақиқатда ажойиб истеъдод эасининг автопортрети эканини кўрсатди, деб ёзади «Дэйли Телеграф» («Daily Telegraph») газетаси.

Буюк Британиянинг «3D-Soft» консорциуми нафақат расмлар, балки ҳайкаллари ҳам уч ўлчамли сканерлаш методи ривожлантирмоқда. Санъат асарлари 198та ёруғлик манбаи ва 11та камерадан иборат Mini-Dome ускунаси ёрдамида сканерланган. Объектни секин айлантирган ҳолда турли бурчаклар остида кўрилиб, компьютер экранида 25 мингта расм ёрдамида унинг тасвири ҳосил қилинади. Ускуна Германиянинг Бонн университети олимлари томонидан яратилган.

Ёш rassomнинг сурати Лёвен университети (Бельгия) илмий ходимлари томонидан ўрганилиб, расм бир нечта қатламда мўйқалам тортиб бўёқ бериш усули билан яратилгани ва бундай усул айнан Антонис ван Дейкка хос экани аниқланди.

Уч ўлчамли сканерлаш усули ёрдамида Пиза информатика ва технологиялар институти мутахассислари Микеланжело ҳайкаллари ҳам ўрганишмоқ-



да. Технология фақат асар муаллифини аниқлаш эмас, балки ноёб дурдоналарни сақлаб қолиш йўллари топиш учун ҳам қўлланилади. Туркиянинг Сагалассос худудига қадимий ҳайкаллари топган археологлар турли мамлакатлар музейларида сақланаётган тошларни сканерлаб, улар орасидан бир-бирига мос келиши мумкин бўлган қисмларни топиш мақса-



садида мазкур технологиядан фойдаланмоқда. Лувр музейида (Франция) эса баландлиги 2 метр бўлган Мавритания кўзалари ўрганилиб, улар бир шаклда қилингани аниқланди. Лондондаги Виктория ва Альберт музейи ходимлари технология ёрдамида чиннидан ясалган, лекин 240та бўлакка бўлинган улкан фонтаннинг бир-бирига мос қисмларини топиб, қайта тиклашга уринмоқда.

**СУНЪИЙ ТИШ ЭМАЛИ ЯРАТИЛДИ**

Япониялик олимларнинг айтишича, микроскопик ингичка эмаль қопламаси ёрдамида ҳар бир тишни алоҳида қоплаш ва шу тариқа тишларга оқ тус берган ҳолда карис ривожланишининг олдини олиш мумкин экан. Ингилик ҳақида «Дэйли Ньюс» («Daily News») мабасида маълум қилинди.

Ушбу ингичка қоплама кальций гидроксипатит, табиий тиш эмали минерали асосидаги ўта чидамли ва эластик материалдан ишлаб чиқарилган. Эътиборлиси, тишларни материал билан қоплаш нафақат карисдан ҳимоя қилиши, балки гиперестезия (тишларнинг юқори даражадаги сезувчанлиги)дан ҳам сақлашга кутилмоқда.



— Бу тишларни муҳофаза қилиш ёки зарарланган эмални тиклаш учун қўлланиладиган дунёдаги илк эластик қоплама бўлиб, у тез орада амалда самарали қўлланила бошлаганига умид қатта, — дейди Кинки университети биология илми ва технологиялар факультети илмий ходими Сигэки Хонцу.

Табиий эмаль ўрнини қоплаши кўзда тутилаётган қоплама қалинлиги атиги 0,004 миллиметр. Вакуумда гидроксипатит кристаллари лазер нури орқали таъсир этилиб, алоҳида зарраларга ажратилган. Зарралар қизитилган туз кристалларига тушган ва фильтр қоғози билан учун унда сув ва ҳаво ташқарига чиқиши мумкин бўлган махсус ғовакчалар ҳам бор. Ҳозирча у рангсиз, лекин косметик стоматологияда қўллаш учун оқ рангга бўлиши мумкин.

Бугунга қадар олиб ташланган тишларда синовлар амалга оширилди, стоматологияда тишларга оқ рангни берадиган сунъий эмални тахминан 3 йилдан сўнг қўллаш мумкин бўлади, дейишмоқда мутахассислар.

**Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.**



Испания ҳукумати мамлакатнинг салкам 20 фоиз ялли ички маҳсулотини ишлаб чиқарадиган ва айни пайтда 40 миллиард евро қарзи бўлган, ўз солиқларини жорий этиб, уларнинг расмийлаштирилиши билан шуғулланишни мақсад қилаётган Каталониянинг солиқ борасида мустақиллик бериш тўғрисидаги мурожаатини рад этди.

Океанортидаги Аэрокосмик тадқиқотлар миллий агентлиги — НАСА «Дрегон» хусусий самовий кемаси ва «Фалкон» ракетасининг парвозга шайлиги, дастлабки саёҳат жорий йилнинг 7 октябрда Флорида штатидаги Канаверал бурнидан амалга оширилиши ва қурилмалар 10 октябрда Халқаро космик станцияга етиб бориши ҳақида хабар берди.

Германия суди томонидан «Моторола Мобилити» («Motorola Mobility») компанияси «Майкрософт» («Microsoft») концернининг мобил ускуналарига ахборотни киритиш технологияси борасидаги патент қоидаларини бузганликда айбдор деб топилди ҳамда эндиликда жабрланувчи томоннинг мамлакатда мазкур ускуналар сотувини тақиқлашни талаб этишга ҳақли экани ҳам белгилаб қўйилди.

Таиланднинг Паттани жанубий провинциясидаги бозорлардан бирида машинага ўрнатилган портловчи модда ишга туширилиши оқибатида 5 нафар инсон ҳалок бўлиб, яна 40 нафари турли даражада жароҳат олди.

Европа Комиссияси 2 йил олдин имзоланган халқаро келишув доирасида Халқаро валюта фонди ва Европа Иттифоқи томонидан Ирландияга ажратилган навбатдаги 85 миллиард евро миқдоридаги ёрдам пулини беришни маъқуллаб, мазкур маблағ мамлакатнинг давлат бюджети камомаддини молиялаштириш ҳамда маҳаллий банклар сармоясини кўпайтиришга сарфланишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Фаргона вилоят «Баркамол авлод» болалар маркази директори Абдумажид Солиевга волидаси **МАХСУБАХОН** аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган умумтаълим мактабларининг 6-,7-синфлари учун 2013-2014 ўқув йилида чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни яратувчи муаллифлар танлови ғолиблари РЎЙХАТИ**

№	Фан номи	Синфи	Муаллифларнинг Ф. И. Ш.
1	Ўзбек тили	6-синф	Гулнора Мухамеджанова, Абдурозиқ Рафиев, Маъпура Акрамова
			Хадича Мухитдинова, Яшнарбек Авлакулов, Дилдор Нуриддинова
2	Ўзбек тили	7-синф	Абдурозиқ Рафиев, Гулнора Мухамеджанова, Маъпура Акрамова
			Хадича Мухитдинова, Яшнарбек Авлакулов, Дилдор Нуриддинова
3	Меҳнат таълими	7-синф	Шавкат Шарипов, Кумри Абдуллаева, Одил Қўйсинов
			Исмоил Каримов, Хусан Рахмонов, Феруза Қадирова, Миножат Махсимова

## «Олтин беланчак» саҳифаси

Инсон бир ёнда оила юки-ю, иккинчи томонда касб-корлик масъулияти турганда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши, осон эмас. Баъзида ўйлаб қолам: одамизод қаердан куч, иштиёқ топиб бу югурик замон билан ҳамқадам яшай олаётган экан? Ва шу дам оила аталмиш сеҳрли гўша, яқинларнинг меҳру муҳаббати билангина у қиёсиз ҳарорат туйди юрагида, ҳаммиса ёруғ кунларга талпиниб яшайди, деган хулоса кўнглимни ёритади. Айниқса, умр йўлдошинг, ёнингдаги жуфтинг сени аяб, гоҳи шод, гоҳи аламли дамларингда туриб берса, ҳар қандай мушкулот ҳам қаддингни буктолмайди.

Мирсоат ота Эргашов ва педагогика фанлари номзоди Ойшахон она Тўраевалар қарийб олти йил ҳаммиса бир-бирини аяб, эъозлаб, суяб яшашди. Оила бағрининг бу иссиқ тафти, қадр эса уларни ўз касбининг фидойиси сифатида хотиржам меҳнат қилишларига имконият яратди. Фарзандлар ҳам ота-оналари ибратидан намуна олиб улғайишди. Ойшахон она саволларимизга жавоб берар экан, кексаликнинг гаши насиб этганига қайта-қайта шукрона айтар, тақдирнинг бу инъоми сабрқаноат, жонқурликнинг меvasи эканини таъкидлар эди.



## «БИР-БИРИНГИЗНИ АЯБ ЯШАНГ»

1. Оилада ота-бобо, момо ва оналарингизда кўрган қандай анъаналарни маҳкам тутасиз ҳамда қай тариха бойи-тишига уринаяпсиз?

2. Маънавиятли, гўзал хулқ-атвор соҳибларининг атрофидагилар, жамоадошлари, хусусан, сизнинг тутумларингизга таъсири хусусидаги кузатишларингиз?

3. Ўғлингиз, қизингизнинг ютуқлари эътиборингиздан четда қолмайдими, уларни рағбатлантириб боришни қандай таъминлайсиз?

4. Оилангиз жамиятнинг том маънода бир бўлаги бўла олиши учун қандай йўл тутаяпсиз?

1. Онам Ҳабибахон ая ниҳоятда хушмуомала, феъли юшмоқ аёл эди. Отам уйда пайтлари бир-биримиз билан қаттиқ гаплашиш, овоз чиқариб қулишимизни айб санардилар. Хонадонимизда эрталаб вақтли уйғониб, ҳамма жойни супуриб-сидириш одат тусига кирганди. Отамни хотирласам, бизни зийраклик билан «жазолаши» кўз ўнгимда жонланади. Бирор тонг ухлаб қолсак, супаларга сув сеипиб кўярдилар, табиийки, кўриб юзимиз қизарарди. Бола эдик, дарвозахонада қизалоқ-

лар йиғилишиб гоҳи «бештош», гоҳи «мак-мак» ўйнашни яхши кўрардик. Нима ҳам бўлди-ю, бир гал кўшнимизнинг ўғли сочимдан тортиб йиғлатиб кетди. Бу ҳолатнинг гувоҳи бўлган отам энди болакайнинг таъзирини беради, дея сўзсиз жовдираб кўзларига қарадим. У киши эса «жиноятчи»ни қақирди-да: ў-ў, бу ажойиб болаку! Янглишиб кўли тегиб кетибди-да сенга. Ахир йиғитлар қизларнинг химоячилари бўлишади. Кўшни болажонлар эса бир-бирига ака-сингил... дея пешонасидан ўлиб кўйдилар. Шу-шу у бола мени кўрса ёрдамга шошиларди, улғайганимизда ҳам шундай илиқ муносабатни давом эттирдилар. Мен фарзандларим, шоғирдлар тарбиясида уларда кўрганам — шундай тутумлардан ҳаммиса фойдаланаман.

2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги университет)да таҳсил олиш, фаолият юритиш бахтига муяссар бўлиш баробарида, бу муқаддас даргоҳда ажойиб инсонлар билан юзлашганим учун тақдиримдан жуда мамнунман. Чунки, мен

Аёл, Олима қандай бўлиши керак, деган саволга адабиётшунос олима Шарифа опам, биология фанлари номзоди Адолат опа сиймосида жавоб топганман. Уларга ўхшашни орзу қила-қила эл-юрт журматлари сазовор бўлдим. Отажонларимдаги ўзбекона ҳаё, ибодат, камтаринлиги камсуқумлик, атрофдагиларга ҳам қандайдир илиқлик узатиб туриш хислатлари, касбларига бўлган садоқат кириб борган давралари сиймоси файзга тўлдирарди. Фарзандлар тарбиясидаги нозик жиҳатларни улардан ўргандим. Қатор йиллар институтда фаолият юритаётган «Қизлар клуби»ни бошқарар эканман, уларнинг тажрибаларига таяндим, кўп марта бу дилкаш олималар ва қизларнинг давра суҳбатларини ташкил этдим. Аёл ҳар қандай мансабу мартабаларга эришмасин, манманлик унга ёт бўлмоғи кераклиги, у оналик, бекалик, опа-сингиллик ришталарини маҳкам туриб, ўз вазифини зийрак туриб адо этиши лозимлигини уқтириб келдим.

3. Болаларим мактабга қатнаш бошлагач ҳар куни дафта-

рини текширар эдим. Ўзим ҳам педагог бўлганим учунми, кайфиятларига қараб фанларни нечоғлиқ ўзлаштираётганлари, баҳолари, дўстлари билан муносабати хусусида дарров маълум хулосага эга бўлардим. Нима ҳам бўлиб Анваржон ўғлимнинг дафтарлари бир ҳафта назоратимсиз қолди. Шу эътиборсизлигим унинг сусткашлик қилишига йўл берган. Бу ҳолат мени ўйлантириб қўйди. Демак, уларнинг ўзларига талабчанлигини ошириб, мустақил, масъулият билан иш тутиш кўникмасини ҳам ўргатишим шарт экан ва шундай йўл тута бошладим. Ҳар ҳафта яқинида, албатта, оилавий йиғин ўтказиб, отаси билан иккимиз фарзандларимизнинг эришган ютуқлари, йўл қўйган хато ва камчиликлари хусусида кенгашиб олардик. Айниқса, меҳнат тарбияси бизнинг оиладаги қатъий шiori-миз бўлди. Ана шундай тутумимиз билан биз уларни ҳам катта ҳаётга тарбияладик, ҳам буш вақтини камраб олиб, турли салбий таъсирлардан химоя қилдик. Муваффақиятларининг рағбати сифатида

мамнунлигимиз, ноўрин хатти-ҳаракатларининг «жазо»си ўрнида ҳафалигимизни билдириб қўйишнинг таъсир кучини ҳаммиса сақлаб тураимиз.

4. Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманидаги Кўкча маҳалласида истиқомат қиламиз. Турмуш ўртоғим 88, ўзим 85 ёшни қаршилаяпман. Беш ўғлимизнинг уч нафари педагог, бири шифокор, бири иқтисодчи. Келинларим ҳаммаси олий маълумотли, пазанд, ширинсўз. Маҳалладаги энг ибратли хонадонлардан бири саналиб келаятганимиздан кувонаман. Маҳалламизда бир-бирига қадрдонлик, меҳр-мурувват, турли қадриятларни асраб-эъозлашдек анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб давом этиб келаяпти. Мен ҳам фаоллардан бири сифатида ана шу аҳилликнинг бардавом бўлишига имконим борича ҳаракат қилиб келаяпман. Фарзандларим ҳам маҳалланинг оғир, энгил кунлариде шай туришади. Менимча, ҳар биримиз оқибат ҳиссини унутмасак, оиламизнинг жамиятда ўз ўрни, мавқеи бўлади.

— Мерос тақсимлашини талаб қилишга қимлар ҳақли? Бунда ўғил ва қиз фарзандларнинг ҳуқуқи бир хилми? Агар вафот этган ота ёки она ўзига тегишли мол-мулкнинг маълум қисмини фарзандларидан бирига васият қилган бўлса, унинг ижроси қандай таъминланади?

Саволга ТДЮИ кафедрa мудир, юридик фанлар доктори Замира ЭСОНОВА жавоб беради.

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 5-бўлими ворислик ҳуқуқига бағишланган бўлиб, мерос очилган пайтда ҳаёт

кўра васият қилувчи васиятноманинг ижро этилишини ўзи васиятномада кўрсатган, меросхўр ҳисобланмайдиган шахсга (васиятномани ижро этувчига) топшириши мумкин. Бу шахснинг васиятнома ижро этувчиси бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан васиятномага ёзган устхатда ёки васиятномага илова қилинган аризасида ақс этирилиши лозим.

Меросхўр ўзaro келишиб, васиятноманинг ижросини меросхўрлардан бирига ёхуд бошқа шахсга топширишга ҳақлидир. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, васиятномани ижро этувчи бир ёки бир неча

## Soʻragan edingiz

— мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши;

— мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси ва қонунга мувофиқ меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши;

— меросхўрлар зиммаларига юклатилган васият мажбуриятларини ижро этишларини таъминлаши;

— васият мажбуриятларини бажариши ёхуд васиятнома бўйича меросхўрлардан васият мажбуриятларини ижро этишларини талаб қилиши лозим.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли, шунингдек, бундай ишларда иштирок этишга жалб этилиши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи ўз мажбуриятларини меросни қарзлардан холи қилиш, мерос қолдирувчига тегишли суммаларни ундириш ва барча меросхўрларнинг меросга эғалик қилишга киришиши учун зарур бўлган оқилона муддат мобайнида амалга оширади. Ҳар қандай ҳолда ҳам кўрсатилган муддат мерос очилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ва васиятномани ижро этиш бўйича зарур ҳаракатларни мерос ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга. Васиятномада уни ижро этувчига мерос ҳисобидан ҳақ тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Васиятнома ижро этиб бўлингач, васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг талабига биноан уларга ҳисобот тақдим этиши шарт.

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Нарса йўқдир хорижи олам эрур,  
Ҳар не истарсан, ўзингда жам эрур.

Жалолоддин Румий

Одамлар бошларига қайгу тушганда тақдирдан, худодан ва истаган нарсаларидан норози бўладилар, аммо ўзларидан сира айб қидирмайдилар.

Афлотун

Ўз аҳволингдан қаноатланганинг учун ўзингни ўзгаларнинг оғирроқ аҳволи билан солиштириб кўр.

Бенжамин Франклин

Умримиз жаҳолатимиз туфайли қисқаради.

Герберт Спенсер

Беш нарсдан илгарироқ беш нарсани ганимат бил: касалликдан аввал тансиҳатлиқни, бандликдан аввал фароғатни, қариликдан аввал ёшлиқни, камбағалликдан аввал бойлиқни, ўлимдан аввал тирклиқни.

Ҳадис

Замон бошдан-оёқ ҳикмат,  
замон бошдан-оёқ панддир,  
Қулоқ тусанг насихатга,  
ҳаётинг бол ила қанддир,  
Бировлар бахтидан ҳаргиз  
дилнинг гаш бўлмасин,  
Сенинг бахтинга ҳам билсанг,  
неча зотлар ҳавасманддир.

Абу Абдуллоҳ Рудакий

Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.

## ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ қандай таъминланади?

бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаёлилик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тутилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Васият ва қонун бўйича ворислиқни амалга оширувчи ушбу субъектлар меросни тақсимлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Ворислик муносабатларида ўғил ва қиз фарзандларнинг ҳуқуқи бир хил саналади, уларнинг ҳеч бирига алоҳида имтиёз ёки ҳуқуқ берилмаган (нолоийк меросхўрларни меросдан четлатиш бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролар кодексининг 1131-моддасида васиятномани ижро этишга алоҳида тўхталиб ўтилган, унга

меросхўрнинг талаби билан суд томонидан тайинланиши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи васиятнома бўйича меросхўрларни олдиндан хабардор қилган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан истаган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга. Васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг аризасига биноан суднинг чиқарган қарори билан ҳам ўз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкин.

Васиятномани ижро этувчи:

— меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши;

— барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларни мерос очилганлиги тўғрисида ҳамда улар фойдасига васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш учун имкон қадар барча чора-тадбирларни кўриши;

# ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ:

*яратилган имкониятлар ютуқларга замин бўлмоқда*

Бугун юртимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, уларни спортга кенг жалб қилиш, шунингдек, спорт билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижаси ўлароқ, қизларимизнинг ўз истеъдодини намойиш этишига ва оммавий равишда соғлом турмуш тарзига амал қилишига имконият туғилмоқда. Бунга жавобан эса, хотин-қизларимиз ҳам халқаро майдонларда ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этиб, кўплаб муваффақиятларга эришмоқда. Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етакчи мутахассиси Хусан Насруллаев бу ҳусусда қуйидаги фикрларни баён этди:

— Бугунги кунда жамғарма ва унинг ҳудудий филиаллари мутахассислари томонидан махсус сўровномалар асосида ёш авлод, айниқса, қизларнинг қизиқишига мос спорт тўғрақлари ташкил этилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Натижада бадий ва спорт гимнастикаси, сув спорти, енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, қўл тўпи, шах-

спортнинг нафис турлари билан шуғулланишига имкон беришга интилаётгани, энг муҳими, спорт саройларининг ана шундай қизлар билан гавжумлигини кўриб, ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Мамлакатимизда спортсевар қизларимизнинг кўпайиши ва уларнинг халқаро майдонда эришаётган муваффақиятларида аёл мураббий-

эришган халқаро доирадаги мусобақалар мавқеига қараб юқори натижалари учун 400 фоизгача устама иш ҳақи билан рағбатлантирилаётгани машғулотлар самарасини ҳамда ўқитувчиларда ўз ишига бўлган масъулиятни янада оширмоқда.

Шунингдек, аёл ўқитувчи-мураббийларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг узоқ ҳудудларида гимнастика спорт турлари бўйича фаолият олиб бораётган ўқитувчи-мураббийларимизнинг малакасини ошириш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида маҳорат сабоқлари ташкил этилди. Шу кунгача бадий гимнастика бўйича барча

да таниқли гимнастикачилар каби юқори натижаларга эришиб, жаҳон гимнастика юлдузлари қаторида туришига ишончим комил», дея билдирган фикри кўпчилик бадий гимнастика жонқурларида янада ишонч ҳиссини уйғотди.

Жамғарма томонидан хотин-қизлар спортини оммалаштириш ва кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар орасида яна 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кун и умумхалқ байрами муносабати билан Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамкорлигида ушбу касб эгалари ўртасида мунтазам ташкил этилаётган спорт мусобақаларини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бундай мусобақаларнинг мақсади биринчи галда ўқитувчи ва мураббийларни спортга кенгроқ жалб этиш, уларни ўқувчи-ёшларга намуна қилиб кўрсатишдан иборат.

Мазкур мусобақалар 3 босқичда, яъни туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида ўтказилиб, унда умумтаълим мактабларининг барча фан ўқитувчилари енгил атлетика ва эстафетали югуриш бўйича ўзаро беллашадилар. Жумладан, 2008 йили ўтказилган мазкур мусобақаларда ҳар бир мактабдан 6 нафардан (3 нафар аёл, 3 нафар эркак) жами 14 600 нафар умумтаълим мактаб ўқитувчилари иштирок этган бўлса, шундан 84 нафари республика босқичида қатнашди. 2010 йилда мазкур мусобақаларнинг кўйи босқич ўйинларида ҳар бир жамоадан 8 нафар (4 нафар аёл, 4 нафар эркак) жами 15 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари иштирок этиб, шулардан 98 нафари республика босқичида қатнашган. Мазкур рақамларни беҳиз келтирмадик: бу юртимизда спортнинг оммавий ҳаракатга айланиб бориши нафақат ўқувчи-ёшлар, балки устоз-мураббийлар орасида ҳам кузатилаётганидан далолат беради. Зеро, юртимизда ҳар томонлама баркамол, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қўдир бўлган, жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш аниқ мақсадлар асосида кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишга замин яратди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА, «Ma'rifat» мухбири



## ГРАНДЛАРНИ ҚИЙНАГАН ОҚШОМ

Кўҳна қитъада футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларига старт берилди. Эътиборли жиҳати шундаки, гранд жамоаларнинг аксарияти рақибларининг кескин қаршичилигига дуч келди.

«Барселона» клуби ўз майдонида Россиянинг «Спартак» жамоасини қабул қилди. Ҳақиқатан ҳам, унинг гарчи каталонияликларнинг муваффақияти (3:2) билан тугаган бўлса-да, москваликларни енгил осон бўлмади. «С» гуруҳининг иккинчи жуфтлиги: «Селтик» ва «Бенфика» жамоалари ўртасида кечган матчда нурсиз дуранг (0:0)га имзо чекилди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Челси» — Ювентус 2:2, «Шахтер» — «Нордшеллан» 2:0, «Лилль» — БАТЭ 1:3, «Бавария» — Валенсия 2:1, «Манчестер Юнайтед» — «Галатасарай» 1:0, «Брага» — ЧФР 0:2, ПСЖ — «Динамо» (Киев) 4:1, «Динамо» (Загреб) — «Порту» 0:2, «Монпелье» — «Арсенал» 1:2, «Олимпикос» — «Шальке-04» 1:2, «Малага» — «Зенит» 3:0, «Милан» — «Андерлехт» 0:0, «Реал» — «Манчестер Сити» 3:2 ва «Боруссия Д» — «Аякс» 1:0.

Навбатдаги тур учрашувлари 2 ва 3 октябр кунлари бўлиб ўтди.

## КЛИЧКО — МУНОСИБ РАҚИБ

Оғир вазнли боксчи Дэвид Хэй 2013 йили украинлик ҳамкасби Виталий Кличкога қарши рингга чиқиш учун профессионал бокс муштлашуларида қатнашиш имконини берувчи гувоҳномага эга бўлиш илминда, деб хабар берилди «Boxingscene» интернет нашрида.

Хэйнинг айтишича, рингга у билан тенгма-тенг мусобақалаша олувчи ягона чарм қўлқоп соҳиби катта Кличко экан. Дэвид 2011 йили 31 ёшга тўлгач, профессионал бокс билан хайрлашган, шу тарихи унинг лицензияси ҳам бекор қилинган. Шунга қарамай, жорий йилнинг июль ойида Люксембург бокс федерацияси руҳсати билан у ҳамюрти Дерек Чисорага қарши рингга чиқиб, уни техник нокаутга учратганди.

Виталий Кличко сўнгги жангини 8 сентябрда Москва шаҳрида германиялик боксчи Мануэл Чарга қарши ўтказди.

## ҲАЯЖОН САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ

Сингапур кўчаларида «Формула-1» чемпионатининг 14-босқичи ўтказилди. Ушбу пойга тун вақтида кечган бўлса-да, машина бошқарувчиларига ортқича хавф туғдирмагани кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Яна етти та пойгадан сўнг чемпионат якунига етади. Утган йили Сингапур Гран-приси ўтказилгунга қадар янги чемпион номи аниқ бўлиб улгурганди. Шунингдек, конструкторлар кубогини ким олиши ҳам ойдинлашиб қолганди.

Аммо жорий йилги чемпионатда голиб ва софриндорлар номини фақатгина сўнгги босқичдан кейин билиб олиш мумкин. Ҳозир Фернандо Алонсо («Феррари») 179 очко тўплаб етакчилик қилаётган бўлса-да, якунда ундан кейинги ўринларда келаётган Льюис Хэмилтон («Макларен», 141), Кими Райкконен («Лотус», 141), Феттель (140) ва Марк Уэббер («Иккиси ҳам «Ред Булл», 132)дан бири ундан бош совринни «тортиб» олиши мумкин.

Бу эса мусобақалардаги шиддат, муросасизлик чемпионат якунигача сақланиб қолишидан дарак беради.



мат билан шуғулланаётган қизлар сони ортиб бормоқда. Айни пайтда бадий гимнастика қизларимизнинг энг сеvimли машғулотига айланган.

Қишлоқ жойларида ҳам бадий гимнастикани ривожлантириш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилди. Биргина Косон туманидаги Гувалек қишлоғида Юртбошимиз ташаббуси билан бадий гимнастика мажмуаси қурилгач, яқин атрофдаги қишлоқлардан келаётган ёш спортчи қизларнинг сони янада ошди. Айни вақтда мажмуада 350 нафарга яқин қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бадий гимнастикага бўлган эътиборнинг кўчайиши натижасида ота-оналар ҳам соғлом турмуш тарзига амал қилишнинг ҳикматини тушуниб етаетгани, фарзандларини, хусусан, қизларнинг ёшлигиданок

худудларда Федерация билан ҳамкорликда 1000 нафарга яқин мураббийлар учун ўқув-семинарлар уюштирилди.

Бундан ташқари, Буюк Британия давлатидан жалб этилган Халқаро гимнастика федерацияси академияси эксперти Надя Александрова иштирокида 4 босқичли семинар ўтказилди, унда 450 нафарга яқин мураббийларнинг малакасини оширилди. Хорижлик мутахассиснинг семинар якунида «Юртингизда бадий гимнастикага бўлган эътибор натижасида ўзбек мураббийлари кўл остида сабоқ олаётган қизлар тез кунлар-

